O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

ЭРТАГА ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ ЎН ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАЙДИ

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 ЙИЛ 30 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | 1999 ЙИЛ 13 *АПРЕЛ*, СЕШАНБА | № 15 (115) | Сотувда эркин нархда

ВАТАНГА ХИЁНАТНИНГ БАҲОСИ

Yuzma-yuz

Сир эмас, мунофиқлик кўчасига кирган одам ҳеч нарсадан қайтмайди. Чунки бундай кимсанинг қиёфаси бўлмайди. Акс ҳолда ўзи туғилиб ўсган, киндик қони тўкилган тупроқ, бутун авлод-аждодининг муқаддас ҳоки ётган она-Ватанига хиёнат қиладими? Маълумингизки, азиз муштарий, республикамиз мустақиллигини, халқимизнинг тинч-осуда, барқарор турмушини кўра олмаган бир гуруҳ экстремистлар Фарғона водийсида кейинчалик бутун Ўзбекистон ҳудудида «ислом давлати» тузишни, ҳокимиятни ўз қўлларига олишни мақсад қилиб қўйишган.

Улар бу мақсадга эришиш учун мусулмонларни «ваҳобий» ва «аҳли суннат» тоифаларига бўлиб, Фарғона водийси вилоятларидаги ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқаришга ҳаракат қилган эдилар. Бунинг учун жиноий уюшма тузилиб, қуролли гуруҳлар ташкил этилган. Вилоятлардаги «ваҳобий» тарафдорларидан бўлган ёш йигитларни Тожикистон, Афғонистон, Покистон давлатларида жойлашган «ҳаракатдаги жиҳод» партиясига қарашли махсус ҳарбий ўқув базаларида ўқитиб, террорист-қўпорувчилар тайёрлаш билан шуғулланишган. Улар турли хил совуқ қуроллар билан таъминланганлар.

Ана шундай қуролли, уюшган жиноий гуруҳга аъзо бўлиб кириб, она-Ватанга хиёнат қилмоқчи бўлган икки бадкирдор кимса Халилилло Аҳмаджонов ва Давронбек Каримовларнинг жиноий иши Андижон вилоят судида кўриб чиқилди. Уларнинг мақсади ғаразли ниятларини ҳеч ким ўзларичалик гапириб беролмаса керак. Қуйида уларнинг судда берган баёнотларига эътибор қилинг:

4-бет

Yurtboshimizga maktublar

СИЗГА ҲАМИША МАДАДКОРМИЗ

Муҳтарам Ислом АБДУҒАНИЕВИЧ!

Пойтахтимиз Тошкентда ёвуз ниятли террорчилар томонидан уюштирилган ёвузлик миллион-миллион хотин-қизларнинг, оналарнинг қалбини, вужудини ўртади, ғазабга солди.

Сизга қилинган суиқасдни ўзбек халқига, ўзбек миллатига, истиқболимизга қилинган тажовуз деб биламиз. Бегуноҳ одамлар умрига зомин бўлган, халқ тавқи лаънатига учраган қора кучлар, Оллоҳга минг бор шукрлар бўлсинким, маъшум ниятларига ета олмади. Минг афсуслар бўлсинким, уларни ҳам она туққан, кўкрагидан оқ сут бериб боққан, инчунун уларни она қарғиши, аёл қарғиши уришига аминмиз.

Фавқулодда вазиятда Сизнинг мардлигингиз, жасурлигингиз, халққа таскин беришингиз қалбимизга малҳам бўлди, руҳимизни кўтарди, иродамизни мустаҳкамлади.

Улар билиб қўйишсин, бундай нопок йўл билан ўзбек халқини енгиб бўлмайди. Сизнинг «Мен учун энг муҳими, халқимнинг омонлиги, тинчлиги. Керак бўлса халқим учун жонимни беришга тайёрман» деб юракдан айтган сўзларингиз биз аёллар қалбидан чуқур жой олди.

Мустақиллик пойдеворини янада мустаҳкамлаш, юртимизда тинчлик, осойишталикни таъминлашда биз аёллар, оналар ҳам масъулмиз.

Биз оналар, аёллар Сиздек ғамхўр йўлбошчимизни жондан севамиз, Ватан равнақи, халқ бахти йўлидаги ишларингизда Сизга ҳамиша мададкормиз. Истиқлолимизни кўз қорачиғидай асраб-авайлаймиз. Танлаб олинган истиқбол йўлидан бизни ҳеч ким қайтара олмайди.

Ёвузлар албатта ўз жазоларини оладилар. Истиқлолимизнинг музаффар қарвони дадил одимлайверади. Бизнинг қалбимиз Сизнинг қалбингизга туташдир.

Биз атрофингизга фарзандларимиз билан бирга янада маҳкамроқ жипслашамиз. Халқимиз, истиқлолимиз бахтига азиз бошингиз омон бўлсин!

Урганч тумани хотин-қизлари

(Мурожаатнома Урганч тумани хотин-қизлари фаоллари йиғилишида қабул қилинган)

Igna bilan bitilgan dil izhori

БАХТИМИЗГА ОМОН БЎЛИНГ

Ассалому алайкум, Ислом Бобо!

Мустақиллигимиз шарофати билан ёшларга, қолаверса, биз кўнгли ўксикларга ҳам жуда катта эътибор берилаяпти. Биз ушбу ғамхўрликларга жавобан келажакда она юртимиз - Ўзбекистонга муносиб фарзандлар бўлиб етишамиз. Унинг истиқболи, равнақи учун қўлимиздан келганича хизмат қиламиз.

Сиз Ўзбекистонни бутун оламга танитдингиз. Биз ёшлар Сиздек юртбошимиз борлигидан фахрланамиз. 16 феврал фожиаси ҳаммамизни Ватанни асрашга, ҳамиша душманлардан огоҳ бўлишга чақирди. Бизни мурғак қалбларимизни ларзага келтирди. Кўпнинг дуосини олган халқ фарзандини ўт ҳам, сув ҳам ололмайди дейишади. Худо шоҳид, ҳақиқатан шундай бўлди. Биз ҳамиша Сиз билан биргамиз. Юртимиз бахтига ҳамиша омон бўлинг. Юрагимда жўш урган эҳтиросларимни қоғозга туширдим.

Бизни ўз фарзандим деб ардоқлаган,
Юрт ишқини қалбида пок сақлаган,
Эзгу ишни доим бирдек ёқлаган,
Бахтимизга омон бўлинг, Ислом бобо,
Элимизга керак сиздек асл даҳо!

Бизга эрку имконият бердингиз,
Чунки Ватан келажагин кўрдингиз,
Донолик-ла қатъий сўзда турдингиз,
Бахтимизга омон бўлинг, Ислом бобо,
Элимизга керак сиздек асл даҳо!

Ҳумо қуши бошингизда бўлсин доим,
Юрт кўркидан юзларингиз кулсин доим,
Қалбларингиз қувончларга тўлсин доим,
Бахтимизга омон бўлинг, Ислом бобо,
Элимизга керак сиздек асл даҳо!

Хуршида ТУРСУНБОЙ қизи
Наманган вилояти Косонсой шаҳридаги махсус интернатнинг 11-синф ўқувчиси

ПАРВОЗ ВА ИНҚИРОЗ

Юртимизда тадбиркорликка кенг йўл очилиши ишбилармон кишиларнинг ғайратига-ғайрат қўшди. Уддабуронлар дарҳол ишлаб чиқаришга бел боғлашди. Бироқ айрим кишилар фақат ўз жиғилдони, нафсини ўйлади, холос.

Адҳам Саидхонов ана шундайлардан. У нафс йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди. Давлат мулкини ўзлаштириш унинг учун хамирдан қил суғургандай гап. Аммо у ёлғиз эмас. Бу ишда синглиси Фарида ҳам бамаслаҳат, ҳамфикр.

Дарвоқе, А.Саидхонов Наманган туманидаги «Баҳор» хусусий фирмасининг бошлиғи, Ф.Саидхонова эса Мингбулоқ туманида жойлашган «Оригинал» хусусий фирмаси раҳбари. Нима бўлди-ю, бу икки фирма вилоят хўжалик суди қарори билан «банкрот» деб топилди. Сабаб?..

3-бет

Taklifim bor

ТАДБИРКОРЛАР ҚОНУНИ

Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни тараққий эттириш, жумладан, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Чунки бу фаолият аллақачон мулкдорлик, аҳолининг мулкка эгалик ҳиссини шакллантириш, қолаверса, фуқаролик жамиятининг, замонавий демократик давлат ва бозор иқтисодиётининг ишончли асоси эканлигини исботлаган.

Бугун Президентимиз томонидан тадбиркорлик борасида қўйилаётган вазифалар жаҳон тажрибасида тўла синовдан ўтган. Улар иқтисодий тараққиёт эҳтиёжларига замон талабларига жавоб берадиган қонуний-меъёрий ҳужжатлар ва муҳит яратилишига муҳим асос қилиб олинди.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий базаси ва қонуний асослари яратилишига мустақиллигимизнинг дастлабки дамларданоқ тамал тоши қўйилиб бошлаган эди. Хусусан, 1991 йилдаёқ «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган эди. Орадан икки йил ўтиб, у давр руҳига мослаштирилиб қайта ишланди ва тўлдирилди. Тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимининг қонуний асослари шаклланиши ва ривожланишида 1995 йилда қабул қилинган «Кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши бўлди.

Сиртдан қараганда, мазкур ҳужжатлар қабул қилинганига, нисбатан кўп вақт ўтмагандай туюлади. Аммо Президентимиз бот-бот таъкидлаганларидек, биз шиддатли даврда яшаяпмиз, қисқа давр ичида ўн йилликларга татийдиган ишларни амалга оширдик. Бу даврда мамлакатимиз иқтисодиёти ва хўжалик фаолиятига оид қонунлар қайта ишланиб такомиллаштирилди.

Шу қаторда тадбиркорлик фаолиятининг муҳим жиҳатларини қамраб оладиган, қатор қонуний-меъёрий ҳужжатларни, низомларни яхлит қонун шаклига келтириш зарурати туғилди.

Шу сабабли ҳам Олий Мажлис сессиясига бу ҳақдаги қонун лойиҳаси муҳокамага ҳавола этилаяпти. Унда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кенгайтирилган ва аниқ кўрсатилган. Жумладан, хусусий тадбиркорлик билан боғлиқ масалаларга етарли ўрин ажратилган, ҳуқуқий мақоми, хусусий тадбиркорликни қайд қилиш, ҳамкорлик шакллари, ўзаро муносабатлари мезонлари қамраб олинган. Шу билан бирга уни ўрганатуриб, менда баъзи фикрлар туғилди. Масалан, янги қонунда ноҳукумат ташкилотларининг, жумладан, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг роли акс этса мақсадга мувофиқ бўларди. Хўжалик субъектлари манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 5-моддасига қуйидагича қўшимча киритилишини таклиф қиламан:

«Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви, жамоатчилик ва халқаро ташкилотлардаги қонуний вакили, шунингдек, ҳукумат ва касаба уюшмалар билан муносабатлардаги иш берувчилар манфаатлари вакили Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси - нодавлат, нотижорат ташкилотига аъзо бўлади ва уч томонлама битим тузишда уларнинг номидан иштирок этади».

Тадбиркорлик фаолиятини кафолатловчи йўналишларидан бири суд ҳимоясидир. Хўжалик судлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришда тадбиркорлик ташкилотлари катта рол ўйнаши мумкин. Шу боис, лойиҳага қуйидаги мазмунда қўшимча моддага киритилиши мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман:

«Ноҳукумат ташкилотлари томонидан тадбиркорлик фаолияти ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш.

Давлат, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, тадбиркорлик ассоциациялари (уюшмалари)га, ўз аъзоларининг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратиб беради ва кафолатлайди. Улар тадбиркорлик фаолияти субъектлари фаолияти назорат этувчи органлар томонидан текширувларда иштирок этади, судларда уларнинг манфаатларини ҳимоя этишда юридик хизмат ходимларини жалб этади».

Қайд этиш жоизки, хўжалик субъектларини рўйхатга олиш масаласи ҳокимиятлар фаолиятининг вазифаси бўлиб, бу борада ҳали аниқ тартиб ўрнатилмаган, муддатлари чўзилиб кетиб, рўйхатга олишда турли баҳоналар билан қонун бузилишига йўл қўйилаяпти. Бундай аҳволни фақат ноҳукумат ташкилотлар аралашуви ўзгартира олади.

Бу ўринда Германия, Франция, Италия каби мамлакатларда палаталарга хўжалик субъектларининг аъзо бўлиб кириши мажбурийлиги ва уларнинг ўзи рўйхатга олиш вазифасини бажариши қулайдир.

Бизда бугун соҳавий бирлашмаларга кирмайдиган кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг палатага аъзо бўлиши мажбурий қилиб қўйилган. Шунга эътиборан хўжалик субъектларини рўйхатга олишни палаталар зиммасига юклаш ва 6 моддага қуйидагича қўшимча киритишни ўринли, деб биламан:

«Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг айрим категорияларини давлат рўйхатига олиш вазифаси ҳукумат қарорига биноан муайян идоралар ва ташкилотлар, жумладан, ноҳукумат ташкилотлар зиммасига юкланади.

Хусусий тадбиркорлар, кичик ва ўрта корхоналарни давлат рўйхатига олиш уларнинг юридик манзилига қараб ўша жойдаги товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан амалга оширилади».

Рауф ҒАФФОРОВ,
доцент

Hamkorlik

МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

Тошкент Давлат юридик институтида талабалар ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг Халқаро савдо арбитражи делегацияси аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Меҳмонлар 2-3 апрел кунлари Тошкентда бўлиб ўтган «Халқаро тижорат арбитражи» мавзусидаги Халқаро конференцияда иштирок этиш учун Ўзбекистонга келган эдилар. Режалаштирилган тадбирлар ниҳоясига етгач, меҳмонлар Бухоро, Самарқанд ва Хива шаҳарларида бўлиб, Ўзбекистон Олий хўжалик судининг ўша вилоятлардаги бўлимларини бориб кўрдилар, оламга донғи кетган қадимий шаҳарларимизнинг афсонавий обидаларини зиёрат қилдилар.

7 апрел куни Париждаги Халқаро савдо палатаси ҳузуридаги Халқаро арбитраж суди раиси, Тижорат арбитражи халқаро кенгаши ҳамда Швейцария арбитраж ассоциацияси ижроия қўмитасининг аъзоси жаноб Роберт Бринер ва Бремен университети профессори жаноб доктор Рольф Книйпер Тошкент Давлат юридик институтига ташриф буюрдилар. Институт ректори, юридик фанлари доктори, профессор Ҳалимбой Бобоев уларга республикада ҳуқуқшунослик фанларини ўқитиш ҳамда институт тарихи хусусида қисқача сўзлаб берди.

Шундан сўнг институтнинг катта мажлислар залига тўпланган талабалар ва профессор-ўқитувчилар меҳмонларни хушнудлик билан кутиб олдилар. Жаноб Роберт Бринер Халқаро арбитраж судининг фаолияти хусусида сўзлаб берди. Жаноб Рольф Книйпер эса йиғилганларга арбитражнинг халқаро ва миллий ҳуқуқий асослари, халқаро тижорат ва инвестицияларда арбитражнинг ўрни хусусида маълумотлар берди.

Ушбу мароқли учрашув сўнггида «Талабаларимиз сизларда қандай таассурот қолдирди?» деган саволимизга меҳмонлар «Яқин келажакда уларнинг кўпчилиги халқаро нуфузли ташкилотлар бошқарувида раҳбарлик лавозимларида ишлаётганини эшитсак асло ажабланмаймиз» деган жавоб айтдилар.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг ўринбосари Мурод Каримович Азимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги мониторинг институтининг бош илмий ходими Шамил Мударисович Асьяновлар иштирок этдилар.

Йўлдош ПАРДА,
Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази ходими

Milisiya hayoti

ВАТАН ХИЗМАТИНГНИ КУТМОҚДА, ЙИГИТ!

Бир йил муқаддам Хоразмда хайрли ишга қўл урилди. Эл-юрт сойишталигини собит туриб ҳимоя қилаётган, айни пайтда минтақадаги экологик номутаносибликдан ҳам азият чекаётган ички ишлар ходимлари учун аввалига мўъжаз шифохона барпо этилди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, милиция бошқармасининг ўз ўқув маркази қайта таъмирланди. осойишталик посбонлари галдаги ғамхўрликдан яқиндагина баҳраманд бўлишди. Энди улар учун бутун бошли ёрдамчи хўжалик фаолият кўрсатаяпти.

Вилоят ички ишлар бошқармаси қошидаги шифохона мажмуини кўрганларнинг кўзи қувонади. Қайта таъмирланган ва янги қурилган кўпдан-кўп бино ва иншоотлардан иборат мазкур мажмуа ўтган йили фойдаланишга берилди. Замонавий муолажа воситалари ва воҳанинг энг яхши шифокор кадрлари ҳам шу ерга жамланганига имонингиз комил бўлаверсин.

Соҳа ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги ибратли ишларга ана шу фактнинг ўзи ёрқин мисол. Бироқ бошқарма раҳбарияти бу билан чекланмади. 1998 йилнинг ёзида вилоят маркази Урганчнинг қоқ ўртасида фуқаролар осойиш ва оромини турмуши учун туну кун заҳмат чекаётган фаол ва ишчан ходимлар ҳамда уларнинг оилаларига 54 хонадонга мўлжалланган 9 қаватли муҳташам турар жой биноси қуриб битказилди. Уша эсда қоларли воқеа билан деярли бир вақтда ички ишлар бошқармасида бошқа бир кичик ўзгариш ҳам содир бўлди. Бошқарма таркибида 5 йилдан буён фаолият кўрсатаётган ўқув маркази ва унинг ёнидаги ёрдамчи деҳқончилик хўжалигида раҳбар алмашди. Йил якунида эса ҳеч ким кутмаган воқеа рўй берди. Ўқув маркази ва ёрдамчи хўжалик бошлиғи, милиция подполковниги Қаландар Худойберганов 4 гектар майдонга экилган шолидан жами 26 тонна (гектарига 65 центнер) ҳосил олиниб, омборга кирим қилинганидан бошлиқ, милиция полковниги Садриддин Зайниевни огоҳ этди.

- Зап иш бўлди, дарҳол гуручга айлантириб, ходимларга янги йил совғаси сифатида бепул улашинг, - топшириқ берди бошлиқ. Бошлиқнинг айтгани бажо келтирилди. 26 тонна шолидан гуручнинг 15 тоннаси ходимларга тарқатилди. Қолган 3 тоннаси текин овқат учун мавжуд ошхоналарга ва хайрия мақсадларига ажратилди.

Худойберганович кейинги гал кимсан Зайниевнинг шахсан ўзи «қитиқлаб» қолди:

- Шу пайтгача милициянинг ёрдамчи хўжалигидан зироат чиққанини эшитмагандим. Нафи бор экан, бошқа бир ишга ҳам унамайсизми?

- Эшитаман.

- Маблағини топиб берамиз. Эвазига кичик чорвачилик фермаси ташкил этасиз.

Катта бошлиқ ҳам, кичик бошлиқ ҳам сўзида собит туришди. 15 та сигир, 2 та новвос, 100 бош паррандадан иборат мўъжаз ферма ана шу мунозарадан бирор ҳафта ўтмаёқ ташкил топди. Энди бошқарма қошиаги шифохона ва ошхоналарга сут ва тухум ҳам жўнатилаяпти.

Яқинда мазкур масканда ўзимиз ҳам ажиб манзарага дуч келдик. Ўтган йили шоли ўстирилган майдонларга буғдой экилибди. Авжи чор-атрофдаги хўжаликларникидан хийла баланд. Бўйи мартнинг бошидаёқ тиззагача етибди. Бари соғлом ва дуркун. Ғаллазорнинг жами сатҳи 5 гектардан (қолгани сатҳи 6 гектардан иборат) саҳнидан беда ва турли сабзавотлар уруғини қадашга ҳам жой топишибди ва бу юмушни ҳам қиш палласидек удда қилишибди.

Аммо синчков ўқувчининг эътирозига сабаб бўладиган важлар ҳам бор. Хўш, милиция-ку, бундай кўламдор ишларнинг уддасидан чиқибди: энди ҳалол луқма уларга ош бўлсин. Лекин рўёбини топган ишлар учун маблағ ва ишчи кучлари қайдан?

- Бизга ажратилаётган маблағ тежамкорликлар натижаси. Бу ерда эса унинг бири иккига дўниб қайтаётгани юқоридаги фактлардан аён, - дейди суҳбатни давом эттириб Қ.Худойберганов. - Маҳсулотларимиз истеъмолчиларгагина текин тарқатилади. Аммо бошқармага текин эмас. У ерга жўнатилаётган ҳар килограмм маҳсулотимиз учун ҳақ оламиз.

Бошлиқ айтган ишчи кучи ўқув маркази тингловчилари. Бўлғуси ички ишлар ходимлари бу ерда нафақат жиноят ва жиноятчиликка қарши кураш сир-асрорлари, балки уй-рўзғор юмушлари, ҳашар, кўмак, ўзаро мадад сингари инсоний фазилатларни ҳам ўрганадилар. Ёрдамчи хўжаликда атиги икки киши: деҳқон-чорвадор Бекберган Қозоқов ва Аваззон Рўзиматовалар меҳнат қилишади. Улар айни пайтда тингловчиларнинг ҳам устоз-мураббийлари. Деҳқончилик, чорвачилик, уй-рўзғор юмушларини ўргатишади. Ёрдамчи хўжалик тингловчилар учун ҳаёт мактаби. Бироқ асосий юмуш барибир ўқиш. Ният - малакали милиция ходими бўлиб етишиш. Мазкур даргоҳда бунинг учун ҳамма нарса етарли.

Ўқув маркази фаолиятига яқинда 6 йил тўлади. Шу давр мобайнида кўплаб оддий ва кичик бошлиқлардан иборат кадрлар милиция шахсий таркиби сафларини тўлдиришди. Бу ерда ҳар йили бир неча ўнлаб ёшлар касб-кор сирларини ўрганишаяпти. Муқаддам бундай ўқув маскани Фарғона водийсидагина мавжуд эди.

Ўқув марказида шу касбнинг наинки амалий, балки назарий жиҳатларидан ҳам пухта сабоқ беришади. Милиция майори, ҳуқуқшунос-мураббий Шокир Юсупов, курс сардори Давронбек Одамбоевларнинг муаллимлик санъатини хоразмлик осойишталик посбонлари юқори баҳолашади. Уларнинг малака ва маҳоратидан дарак берувчи далил-исботлар анчагина. Чунончи, майор Юсуповнинг ташаббусига биноан гарчи ўқув дастурига киритилмаган бўлса-да, компьютер техника воситаларини ўргатиш кенг йўлга қўйилибди. Бунинг учун махсус «ақлли машина»лар синфи очилибди. Давронбекнинг ажиб хотирасини эса ҳатто «Гиннес» китобига ёзса арзийди. Ундан ўқув маркази очилганидан буён мазкур даргоҳни битказган тингловчилар исми-шарифини сўрасангиз, бемалол айтиб бера олади.

Суратларда: ўқув маркази ва ёрдамчи хўжалик фаолиятидан лавҳалар
Сураткаш: С.БОБОЕВ

Қарс икки қўлдан. Ана шундай ғамхўрлик ва шарт-шароитлардан сўнг тингловчилар дилида ҳам бурч ва мажбуриятлар ҳисси жўш уради. Бу шубҳасиз - Ватанга хизмат қилмоқ, эл-юрт осойишталиги йўлида фидоий ишламоқ, юксак инсонийлик фазилатларини намойиш этмоқ ҳиссидир. Мустақил ва ҳуқуқий давлатчилик сари дадил интилаётган мамлакатимиз бугун халқимизнинг тинч яратувчилик меҳнати посбонларидан айнан шуни кутмоқда.

А.СОБИРОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Farmon va ijro

ИНСОН СОҒЛИҒИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Жисмоний соғлиқ маънавий соғлиғимизнинг озиқлантирувчиси эканлигини ҳеч ким рад этмаса керак. «Соғлом танда - соғ ақл» каби мақол-ақидаларимиз бежизга айтилмаган ахир. Агар азалий удум ва анъаналаримиз «қаъри»га боқсак, халқимизга тозалик, поклик, саранжом-саришталик ҳақида уқтириб ўтиришга ўрин қолмагандек туюлади. Лекин...

Президентнинг 1998 йил 2 мартдаги «Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Фармонни имзолаганларига мана бир йилдан ошиқ вақт ўтди. Фармон талаблари бажарилиши борасида бир қатор ишлар амалга оширилганлигини, жумладан, бизнинг Бухорои Шарифда рад этиб бўлмайди.

Аммо улар талабларга тўла жавоб берадими? Фуқаролар соғлиғини сақлаш, юқумли касалликлар тарқалишига қарши кураш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, бозордаги маҳсулотлар, айниқса, озиқ-овқатлар сифатини кафолатлаш, заҳарланиб қолиш эҳтимолларининг олдини олиш етарлими?

Афсуски, назаримда ҳали теранроқ, масъулият билан ёндашувни талаб қиладиган ҳолатлардан соқит бўлган эмасмиз.

Битта мисол, Бухоро шаҳар 2533-сонли автокорхона, таксимотор парки маъмуриятлари аҳолига хизмат кўрсатувчи ходимлари ва ҳайдовчиларини тиббий кўрикдан ўтказишни ҳатто ўйлаб ҳам кўришмаган. Прокуратура уларнинг бошлиқлари Ж.Насриддинов ва Р.Ҳасановларни расмий огоҳлантирди. Ёки «Сомоний» деҳқон бозорида «Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳукумат қарори талаблари қўпол бузилиб келинган. Бу ерда масъул ва мутасадди идораларнинг назорати кўзга ташланмайди. Санитария қоидаларига хилоф равишда колбаса, гўшт, уй шароитида пиширилган балиқ маҳсулотлари сотилаётган экан. Натижада бозорда сифати кафолатланмаган, ҳар хил юқумли касалликлар тарқатилиши хавфини яратадиган ҳолат юзага келган.

Бу ерда шундоққина дарвоза олдида санитария қоидаларига хилоф равишда нон маҳсулотлари, уй шароитида пиширилган озиқ-овқатлар сотилаётганини кўрдик. Нега барча сон-саноқсиз назоратчи идоралар вакиллари кўринмайди. Ёки панароқда томошабин бўлиб туришибдими? Инсон соғлиғи учун хизмат қилувчи муассаса - дорихоналардаги аҳвол эса янаям ачинарли.

Шаҳар санитария-эпидемиология хизмати ходимлари билан биргаликда Иқбол кўчасида жойлашган «Ал-Самандарий» фирмасига қарашли дорихонани текширишдан ўтказдик. Бу муассаса маъмурияти (бошлиғи Б.Жалилов) санитария меъёр ва қоидаларига риоя қилмасдан ҳатто қўл ювиш мосламаси ҳам ўрнатмаган ҳолда баъзи ходимлар санитария кўригидан ўтмасдан фаолият кўрсатиб келаётганлиги аниқланди. Айбдорларга қонуний чоралар кўришга мажбур бўлдик.

Худди шундай ғайриқонуний, санитария қоидаларига риоя қилмасдан фаолият кўрсатаётган Мустақиллик кўчасидаги «Мафтуна» дорихонаси бошлиғи О.Ахтамов «Аскар» хусусий фирмасига қарашли дорихона бошлиғи А.Саидов, шу дорихона фармацевти Т.Расулова «Мир-Араб» хусусий фирмасига қарашли дорихона фармацевти Д.Бакаевалар маъмурий жавобгарликка тортилдилар.

Текширувларимизда Бухоро шаҳар «Мохи-Хоса» қўрғонидаги «Халим» хусусий фирмасига қарашли ошхона, «Пахтакор» автобус бекатидаги гўшт дўкони, Навоий кўчасидаги нонвойхона, «Соҳибкор» жамоа хўжалигининг «Рушобод» қишлоғидаги нонвойхона, шаҳарнинг Мустақиллик кўчасидаги аёллар сартарошхонаси, Нуробод кўчасидаги хусусий савдо дўконларида санитария кўригидан ўтмасдан «фаолият» кўрсатиб келаётган бир қанча ходимлар аниқланди, айбдорларга чоралар кўрилди.

Шу билан бирга Бухоро шаҳар санитария-эпидемиология хизмати ҳам лоқайдлик қилишаётганлиги назаримиздан четда қолмади. Аксарият давлат ва нодавлат савдо дўконлари, тижорат тизимлари, айниқса, хусусий емакхона, ошхоналар санитария-эпидемиология назоратидан четда қолиб кетганлиги кузатилади. Бу ерларда идиш-товоқларни ювиш учун зарарсизлантирувчи воситалар йўқ, бинолар таъмирталаб, саранжом-саришталик бегона, иш коржомалари ўрнига кўча кийимларида ишлашаяпти.

Прокуратура идоралари Республикамиз Президентининг «Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш борасида 1998 йилда 233 та мансабдор шахс ва фуқароларни маъмурий жавобгарликка тортилишини 1999 йилнинг дастлабки 2 ойи ичида 40 та мансабдор шахс ва якка тартибда фаолият кўрсатаётганларни маъмурий жавобгарликка тортишга мажбур бўлди. Хўш, қачонгача бу ишларни прокуратура назорат қилади, ваколатли санитария идоралари учун ишлайди? Бу идоралар раҳбарларида масъулият ҳисси уйғонадими, йўқми? Юқумли касалликлар қўлами ошиб бораётганлиги уларни безовталантирадими ўзи?

Масалан, Ф.Хўжаев туманида 1998 йилда «Сальмонеллёз» касаллиги 4 бараварга, вирусли «Б» гепатити қарийб икки баробарга, вирусли «С» гепатити, «Қораоқсоқ» касаллиги, менингакокли инфекция касаллиги кабилар ошиб бораётганлигининг илдизи қаерда?

Хуллас, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш дегани, бу аҳоли соғлиғини таъминлаш деганидир. Демак, назорат идоралари бир ёқадан бош чиқариб, масъулият ҳисси билан атроф-муҳит тозалигини, аҳоли истеъмоли маҳсулотлари сифатини қаттиқ кузатувга олмоғи керак. Бу ишларга бармоқ орасидан қараш қабилидаги ёндашув қонун ва бурчимиз олдида кечирилмас гуноҳдир.

Ф.МАҲМУДОВ,
Бухоро вилояти Ф.Хўжаев туманн прокурори

Soliq tizimida

ЭЗГУЛИК ВА АДОЛАТ ЙЎЛИДА

Мамлакатимиздаги барча соҳалар қатори солиқ тизими ҳам ўзига хос, жаҳондаги илғор мамлакатлар андозасига мос йўлдан бориб, иқтисодий барқарорликни таъминлаш, давлат ғазнасини тўлдиришда ишончли ва синалган воситага айланмоқда.

Республика миқёсида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар Қашқадарё вилоят солиқ тизимида ҳам ўз ифодасини топаяпти. Бугунги кунда воҳада амалга оширилаётган иқтисодий жараёнларни солиқ тизими иштирокисиз тасаввур этиш қийин. Ходимларимиз бу соҳадаги масъулиятни англаб, бюджетимиз даромадлар қисмини имкон қадар тўлдириш учун самарали фаолият кўрсатмоқдалар.

Ўтган йил кўрсаткичлари анча салмоқли бўлди. Ғазнага режада кўзда тутилгандан 537.5 млн. сўм кўп маблағ туширилди. Барча шаҳар ва туманларда истиқбол режалари ошириб уддаланди. Жамғарилган маблағ олдинги йилдагига қараганда 7 миллиард сўмга ошди. Демак, иқтисодий, ижтимоий масааларни ечишда маориф, соғлиқни сақлаш, мудофаа ҳамда ҳуқуқ-тартибот ишларини мустаҳкамлашда бир қадар қўшимча имкониятлар яратилди.

Вилоят миқёсида бир қатор ташкилий, тарбиявий ишлар, тадбирлар амалга оширилдики, бу ўзининг ижобий натижаларини бермасдан қолмади. Бошқарма бўлимлари, шаҳар ва туман инспекцияларига катта эркинлик яратилди. Асабга тегадиган деярли ҳар кунги йиғилишлардан, уддалаб бўлмайдиган топшириқлардан тамоман воз кечилди. Эндиликда улар ўз танлаган усуллари бўйича эркин йўналишда иш олиб бормоқдалар.

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, уларнинг малака ва касб-маҳоратларини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. 123 нафар мутахассис жаҳон иқтисодиёти, Тошкент молия-иқтисод институтлари, Республика Ички Ишлар Вазирлиги Академияси қошида ташкил этилган курсларда ўз малакаларини оширдилар. Юзлаб ходимлар бошқарма ахборот-маслаҳат хизмати (сервис) марказидаги курсларда таълим олишди. Ҳали етарли тажрибага эга бўлмаган ёшлар тажрибали, билимдон, малакали ходимларга бириктириб қўйилди.

Айни вақтда бизни қийнайдиган энг муҳим масалалардан бири дебитор ва кредитор қарзлари, боқимандалар миқдорининг ошиб бораётганлигидир. Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йилнинг биринчи ярим йиллигида республика ижтимоий-иқтисодий ривожланишига бағишланган мажлисда бу ҳақда куйиниб гапирдилар. Дарҳақиқат, кўриладиган амалий чораларга қарамасдан, бу соҳадан ижобий томонга қараб сезиларли ўзгаришлар бўлмаяпти. Ўтган йил натижаларига кўра вилоятимиз корхона ва ташкилотларини боқиманда қарзлари 26764,0 млн. сўмни ташкил этади. Бунинг асосий қисми ёки 23426,1 млн. сўми «Ўзбекнефтгаз» Миллий Корпорациясининг вилоятимиздаги тўрт корхонаси - Муборак ва Шўртан газ конлари бошқармалари, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Қарши нефть конлари бирлашмаси ҳиссасига тўғри келади. Биргина Муборак газ конлари бошқармасининг давлат бюджети олдидаги боқиманда қарзи бир неча млн. сўмга етди.

Нега мамлакат иқтисодиётида катта ўрин эгаллаб турган бу йирик корхоналар қарздорликда бундай ночор аҳволга тушиб қолдилар? Маълумки, бу ташкилотлар ўз ҳом ашёлари - нефть ва газ маҳсулотларини Фарғона ҳамда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводларига жўнатиб, тегишли ҳақни ўз вақтида ололмайдилар. Натижада катта миқдорда қарздорлик юзага келиб, бунинг устига вақтида тўланмаган қарзларнинг жарималари ҳам қўшилаяпти.

Вилоятнинг барча корхона, ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 мартдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасида чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда худди шу ҳақдаги 1996 йил 24 январда қабул қилинган Фармонлари тўлиқ бажарилмаётир. Бошқарма ва унинг қуйи ташкилотлари томонидан ўтган йил мобайнида 3234 корхона ва ташкилотда юқоридаги Фармонлар ижроси юзасидан текширишлар ўтказилди. 1230 ҳолатда Фармонларга риоя қилинмаётганлиги аниқланди. Ана шундай хатоларга йўл қўйган 1525 корхона ва ташкилот раҳбарлари ва бош ҳисобчилари 10648.4 млн. сўм миқдорида маъмурий жаримага тортилдилар.

Бугун эмас, аслида ҳам Шарқда қарздорликка ёмон дард, иллат сифатида қараб келинган. Шу боис ҳам мамлакатимизда бу иллатнинг олдини олиш учун барча чоралар кўрилмоқда. Республика ҳукумати Президентимиз Фармони асосида муддатида тўланмаган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни қарздор корхоналарнинг мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш бўйича 1996 йил 8 ноябрда ҳамда 1996 йил 8 декабрда қарорлар қабул қилди. Ана шу ҳужжатлар ижроси юзасидан ҳам қатор тадбирларни амалга оширдик. Ўтган йили 1493 ташкилотга 33474.5 млн. сўмлик қарзни низом талабларига биноан бир ой муддатда тўлаши лозимлиги уқтирилиб, огоҳлантириш хати берилди. Шундан 443 корхона 2904.5 млн. сўмни кўрсатилган муддатда ихтиёрий равишда тўлади. 233 корхонанинг 11212 млн. сўм қарзни узиши учун вилоят хўжалик судига даъво аризаси берилди ва суднинг ҳал қилув қарори чиқди. Ана шундан кейин мол-мулклари хатланишига қадар 220 корхона 8214.1 млн. сўмни ўз ихтиёри билан тўлади. Айрим ташкилотлар қарзлари мол-мулклари хатлангандан сўнг уздилар. 38 корхонанинг мол-мулки «ким ошди» савдоси орқали сотилди.

Мустақиллик шарофати туфайли тадбиркорликка кенг йўл очилди. Иқрор бўлиш керакки, юзлаб тадбиркорларнинг ҳалол ва виждонли меҳнатларидан ҳам эл-юрт, ҳам уларнинг ўзлари ҳам катта манфаат кўраётирлар. Айни вақтда 10443 киши якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланмоқда. Улардан 1998 йил мобайнида 225113.3 млн. сўм даромад солиғи ундирилди. Лекин улар орасида солиқ қонунчилигини четлаб ўтиб иш кўраётганлар, қандай йўл билан бўлмасин чўнтакларини тўлдириш пайида бўлаётган шахслар ҳам бор. Кўпчилик «тадбиркор»лар катта фойда кўраяптилару тегишли солиқ инспекцияларидан рўйхатдан ўтишни, қайд гувоҳномалари олишни «унутмоқдалар». Ўтган йили ана шундай «хотираси чатоқ» 1638 нафар фуқародан 3.6 млн. сўм маъмурий жарима ундирилди.

Республика Президентининг 1997 йил 12 июндаги «акциз маркалари бўлмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоголик ичимликларини мусодара этиш ва сотиш тартиби тўғрисида»ги Фармони ҳамда тадбиркорлар томонидан солиқ қонунларига риоя этилиши бўйича ўтказилган рейдларда 5864.4 млн. сўмлик спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари мусодара қилиниб, давлат ҳисобига ўтказилди.

Бошқарма савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарини назорат қилиш бўлими мутахассислари ўтган йил мобайнида шаҳар, туман инспекциялари ходимлари билан биргаликда корхона, дўкон ҳамда шахобчаларда ўтказган текширишларнинг 2091 ҳолатида харидорлар ҳақига хиёнат, камомад, акциз маркасисиз товарлар сотиш, харидоргир молларни яшириб қўйиш каби қоидабузарликлар аниқланди.

Ачинарлиси шундаки, иймон, эътиқодини унутган кўпчилик савдо ходимлари жиноятга қайта-қайта қўл уриб, катта миқдорда жарима тўламоқдалар, савдо ишларидан четлаштирилаётирлар ва ҳатто маълум муддатларга озодликдан маҳрум этилмоқдалар. Ҳайрон қоласан киши, наҳот харом пулнинг меҳри шунчалик иссиқ бўлса? Улар ўз ихтиёрлари билан ўз қўлларига кишан солсалар?

Халқимизда: «Қарс икки қўлдан чиқади» деган ибора бор. Бу ҳеч муболағасиз бизнинг фаолиятимизга ҳам тўла тааллуқлидир. Биз бозор муносабатлари чуқурлашаётган ҳозирги шароитда давлат ҳокимияти, бошқарув, маҳаллий, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, статистика, молия органлари, банклар ва иқтисодиёт учун жавобгар бошқа ташкилотлар билан нечоғли ҳамкорликда иш олиб борсак, солиқ қонунчилигига риоя этишнинг самарадорлиги шунчалик ошади.

1999 йил иш ҳажми ва кўлами жиҳатидан янада масъулиятлидир. Давлат ғазнасига қарийб 52 млрд сўм маблағ туширишимиз керак. Бу ўтган йилдагидан анча ортиқ. Кўриниб турибдики, бугун кечаги кайфият, эртага эса бугунги ҳаракат билан иш юритиш камлик қилади. Янгиянги имкониятларни қидирмоғимиз, резервларни ишга солмоғимиз зарур.

Солиқ тизими тобора такомиллашиб борар экан, келажакда энг оғир ва ўта аниқлик талаб қиладиган жараёнлар техника, компьютерлар зиммасига тушади. Ҳозирга қадар босқичма-босқич бажарилиши лозим бўлган дастурий техник мажмуанинг айримларигина амалга оширилди, холос. Бу борадаги катта меҳнат талаб қиладиган ишларни тезлаштириш ҳозирги муҳим вазифаларни таъминлайдиган омиллардан биридир.

Иқрор бўлиш керакки, айни вақтда нафақат солиқ тўловчилар, ҳатто айрим солиқ ходимлари ҳам етарли ҳуқуқий ҳамда молиявий-иқтисодий билимларга эга эмаслар. Демак, диққатимизни солиқ қонунчилигини пухта ўрганмоқ, аввало, ўзимиз кейин эса солиқ тўловчиларни қонунлардан хабардор қилмоқ ишларига қаратмоғимиз даркор. Бурч, ҳуқуқ ҳамда вазифаларни қанчалик теран англасак, иш шунчалик енгил кўчади.

С.САИДОВ,
Қашқадарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Bojxonada nima gap?

ГИЁВАНДЛИК МУДҲИШ ИЛЛАТ

Гиёвандлик, наркобизнес ҳозирги замоннинг энг даҳшатли ва қабиҳ ҳалокатларидан биридир. Инсоният бошига бало-қазоларни келтирувчи жиноятлардан бири гиёвандлик билан боғлиқ жиноятни содир этиб, таркибида гиёвандлик моддалари бўлган экинларни экиш ва бошқа кучли таъсир этувчи моддаларни қонунга хилоф равишда сотиш, ўтказиш, ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш ҳамда истеъмол қилиниши ҳисобланади. Уни бартараф қилиш жамият олдидаги энг катта муаммолардан бири эканлиги шубҳасиз. Аммо кейинги пайтларда бундай «заҳри қотил» олди-сотдиси билан шуғулланаётган ҳуқуқбузарликларга қарши чора-тадбирлар натижасида бир қатор қонунбузилишларининг олди олинмоқда. Яқинда Тошкент вилояти божхона бошқармаси «Ўратепа» чегара божхона пости хизмат ходимлари қўшни республикага транзит бўлиб кетаётган «Сетра-215», В 25-15 Л автобусида шубҳа уйғотган йўловчи, ҳамюртимиз К. М.С.ни божхона кўригидан ўтказилганда 4523 грамм кучли таъсир этувчи «опий» моддасини танасига яшириб олиб кетаётгани аниқланди. Айни пайтда ушбу ҳолат устидан суриштирув ишлари кетяпти.

БОЙ БЎЛАЙ, ДЕБ...

ИЗЗАТИНГДАН АЙРИЛМА

***Ишни навбатчилик тартибида кечаси-ю, кундузи давом эттиришни йўлга қўйган Тошкент вилояти божхона бошқармасининг «Регистон» чегара маскани нозирлари Норимбой Эгамбердиев билан Ёдош Исмоиловлар ёришиб келаётган эрта тонг маҳалида навбатдаги назоратга чиқадилар. Соат олтилар чамаси Тошкент туманидаги Ғиёс Умаров жамоа хўжалиги ҳудудида икки аёлни ўтқазиб олган икки аравакашга дуч келадилар. Ташқаридан қараганда ҳеч қандай шубҳа уйғотмайдиган, қаергадир отланган бу йўловчиларнинг таҳликали ҳолатигина зийрак назоратчиларнинг эътиборини тортади. Улар Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари билан учрашиб, аравакашларни кузатишга киришадилар. Тезкор тадбир, ўта эҳтиёткорлик, касбий билимдонлик билан олиб борилган изқуварлик кўп вақт ўтмай беҳуда эмаслигини кўрсатади. Иккала аравакаш ҳам у ёқ, бу ёққа қараб, «ҳеч ким йўқлигига» ишонч ҳосил қилишгач, даладан ўтган айланма йўлга бурилади. Божхона кузатув ҳудудига кириб, шунда Қозоғистон Республикаси чегарасига ўтиш олдида «ердан чиқдими, кўкдан тушдими» нозирлар билан милиция вакиллари рўпараларида пайдо бўлишди. Чапдаст абжир аравакашлар, илгари ҳам бу ишга қўл урган, ҳудуд таниш бўлса керак, чаққонлик билан отга қамчи уриб жон-жаҳдлари билан қочмоқчи бўлдилар. Шароитни улардан ҳам нозикроқ тушунган, ўз назоратларидаги ҳар бир қарич ерни паст-баландини, ариқ сувини, тўқай-сойини яхши ўрганган нозирлар ҳам дарҳол чора қўлладилар. Отаравалар тўхтатилади. Ҳужжатлар текширилади. Аниқланишича, улар юртдошларимиз Ғ.Умаров жамоа хўжалигида жойлашган Хиёбон кўчасида яшовчи Ж.Самардиев, Н.Эрматов ҳамда Қозоғистон Республикаси фуқароси Чинора Исмоилова ва Гавҳар Қуролбоева эканлар. Араваларнинг кажавалари текширилганда 58 қутичада 870 литр ўсимлик ёғи чиқди. Ёғнинг умумий нархи 304 минг 500 сўм бўлган.*

Божхона назоратидан қочиб, дала айланма йўлдан яширинча халқимизнинг рўзғорига зарур бўлган ёғни четга чиқариб юборишга уялмайсизларми дейилганда, фуқароларимиз лом-мим деёлмай қолдилар. Қайдам, уларнинг хаёлларидан нелар кечди. Балким, давлат фойдасига мусодара қилинган шунча маблағга ачингандирлар. Лекин мол-дунё-ку топилар, аммо харом йўл билан топилган луқмани ўзи егани майли, бегуноҳ аҳлиаёлига, жигарбандларига едириб, уларни ҳам гуноҳга шерик қилганларини нима билан поклайдилар? Оз бўлса етади, кўп бўлса кетади, дейди халқимиз. Борига тоқат қилиб яшаётган қўни-қўшнилар, маҳалладошлар кўз ўнгида нима деган одам бўлдингиз энди? Хоҳлаган имкон топади, хоҳламаган баҳона. Ўзингизни оқлаш учун тўқилган баҳоналарингиз эм бўлармикан, сизга. Буни Оллоҳ билади. «Бой бўлай, мўмай пул топай» деб иззатингиздан, ҳурматингиздан айрилманг, азизлар. Ҳеч қачон кўпнинг ҳақи бировга ҳазм бўлмаган, бўлмайди ҳам. Ушлаб қолинган ўсимлик ёғи Тошкент туман суди қарори билан мусодара қилиниб дўконларга тарқатилди.

Жиноий ишга қўл урган, унга шерик бўлган кимсалар устидан жиноий иш қўзғатилди. Валюта ҳисобида юртимиз аҳолиси учун келтирилган ёғни дўконлар орқали кенг жамоатчиликка етказиш ўрнига қонунқоидаларга хилоф равишда кўтара савдога чиқарган омбор ва бошқа манбалар суриштирилмоқда. Албатта жиноят жазосиз қолмайди. Лекин унинг маънавий заҳри-чи, у умр бўйи виждонини қийнаб, охиратда жавобини сўрамайдими. Божхоначилар шундай носоз оқибатларга олиб келувчи қонунбузарликларнинг олдини олиш тарафдоридирлар, ҳалол йўл билан, белгиланган ҳужжатлар асосида ҳаракат қилишда тадбиркорларга камарбастадирлар.

Ботир ҲУСАНБОЕВ,
Тошкент вилояти божхона бошқармаси Матбуот маркази ходими

Жиззах вилоят божхонасининг 1-Гагарин постида 13 киши ишлайди. Ҳар бир нозирнинг ўзига яраша вазифаси бор. Шу кеча-кундузда бу ерда назорат янада кучайтирилган. Ўз касбининг моҳир усталари бойликларимизни ноқонуний четга чиқиб кетишига асло йўл қўйишмаяпти. Нопок йўлни танлаб, уларни чалғитмоқчи бўлиб, бойликларни олиб ўтмоқчи бўлганлар қўлга тушиб, тегишли жазо олмоқдалар.

Суратда: (чапдан) катта нозирлардан Абдураҳмон Ўркенов ва Қаршибой Ўрозалиевлар постни назорат қилаётган пайтлари.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат

Mol achchig'i

САНАБ... «САККИЗ» ДЕЯПМАН

—Бироқ «Санамай саккиз дема» дейишиб, саккиз йилдан буён сарсон қилишди, - дейди жиззахлик Тўлқин Маликов

Муҳтарам «Инсон ва қонун»!

Мен 8 йил бурун ўз қўлим билан халқ банкига санаб топширган 8 минг сўм пулимни ололмасдан сарсон бўлиб юрганлигимни бироз «санаб» ўтмоқчи эдим. Уларни ариза ҳам, туҳмат-уйдирма ҳам деб тушунишингизни истамайман. Бор-йўғи, дилимда тўпланиб қолганларини бир тўкиб солмоқчиман, холос.

Ёшим 52 да. Умрим бино бўлиб бирор жойга шикоят ёзган эмасман. 1990 йилда оиламга едирмай-ичирмай, «тишни орасида сақлаган» оилавий маблағимиздан йиғиб, Жиззах шаҳридаги Халқ банки 3552/017 сонли омонат кассасига ҳамда 1991 йилда 3552/014 кассасига жами бўлиб 8 минг сўм пул қўйдим. 1991 йил охирига келиб, уйда турган омонат дафтарчаларим йўқолиб қолганини билиб қолдик. 3552/014 касса бошқарувчиси келиним - жиянимнинг хотини эди. Унга айтсам, ариза қилиб юрманг, дафтарчангизнинг янгисини ёзиб бераман, деди. Дедию, аммо...

Сўнг 1992 йил давомида банк бошқарувчиси Худойбердиевнинг эшигини қоқдим (ўн марталаб). Юсупов деган ревизор текширди. Омонат бор, аммо пул олинган экан. «Ўзингиз олгансиз» дейишди. Яна «дод»лаб юраверdим. 1996 йилда «индексация» бошланди. Умаров деган раҳбарга арз қилдик. Ревизор И.Фозилов текширди. Пул ҳам, счёт ҳам бор, янги книжка берамиз дейишди. Тағин қуруқ гап бўлиб қолаверди. Сўнг ревизор Ш.Рашидов деган текширди. Сарғайиб эшикма-эшик...

Прокуратурага оширамиз дейишди. Яна югураверdим. Ҳеч гап йўқ. 1996 йил июнда ички ишлар бошқармаси коррупцияга қарши кураш бўлимига бордим. С.Давлатов деган шуғулланди. Ўзимни айбдор қилишларига оз қолди. Маллаев деган ходим ҳам текширди. Сўнг яна «суқунат» бошланди. 1996 йил июлида шаҳар прокурорига бордим... Ариза ёзиб вилоят прокурорига кирдим. Анча «судралгач», судга боринг дейишди. Шаҳар судига бордим. Газетага ёздим. Вилоят ҳокимига ариза бердим... Ички ишлар бошқармасидан Сатторов деган ходим текширa бошлади. Ҳар кун ҳузурига қатнадим... Орада вилоят газетаси мени танқид қилиб мақола ҳам босди. Яна милиция... таҳририят... ревизор... ҳокимият... Жиззах вилоят суди, шаҳар суди, республика Марказий банки... коррупцияга қарши кураш бўлими, «Постда» газетаси, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокурор, телевидение, Молия вазирлиги... Хуллас, ёзмаган, кирмаган даргоҳ, эшик қолмади, хатларим эса «айланаверди». Илгари мол аччиғи, югургандим, энди алам қилганидан ёзавермоқчиман. Мен оилам билан ўз пулимизни оламизми, йўқми? Сарсон қилиш, кимдир сохта ҳужжат билан еб кетган пулимни топиш шунчалик оғирми? Эндиги талабим, ёки айбдорни аниқлаб, пулимни ундириб беришсин ёки мени туҳматчи деб қамашсин!

Тўлқин МАЛИКОВ,
Жиззах шаҳри, М.Тошпўлатов кўчаси, 13-уй

ТАҲРИРИЯТДАН: Тўлқин ака! Арзингиз сўнггидаги сўзингиз таъсирида хатингизни босдик. Можаронгиз бўйича саккиз йил сизни ҳам, текширувчиларни ҳам сарсон қилмасдан, ё уёғи-ё буёғига ҳал қилиниши керак. Омонат кассаларини текшириш бўйича бу даргоҳларда кундалик ҳисоботлардан тортиб барча «операция»лар юритилишини яхши билувчи мутахассислар борлигини, тартиб-қоидаларини яхши биламиз. Қолаверса, пул қўйганингиз фактини ойдинлаштириш ҳам қийин эмас, имзоларни, ёзувларни тезда «фош» этса бўлади, дафтарчалар сони ҳам ҳисобли. Бизнингча, сизнинг авваловдан ёзган аризаларингиз ва турли идораларда текширилган барча ҳужжатларни жамлаб, бир марта ва охирги текширув ўтказиб, сиз қўйган икки талабдан бири ҳал қилинмаса бўлмайдиган кўринади. Таҳририятимизнинг маслаҳати, қўлидан келган ёрдами бундан ортиқ бўлиши қийин.

Gapning indallosi

ЮТУҚЛАР БОР, ШАРОИТ ЭСА...

Маҳаллада нозирнинг иши ошиб-тошиб ётади. Бу камлик қилгандай, идорага ҳар куни икки бор; эрталаб ва кечқурун йиғилишга ҳам чақиришади. Туман марказига ҳар куни икки бор қатнашнинг ўзи бўладими?! Олис қишлоқ нозирини-ку айтиб ўтирмайлик, яқин жойдагисининг ўзи кунига 2-3 соат овора. Бевосита хизмат вазифаси билан боғлиқ ишлар эса баъзан тонгга қадар чўзилади. Бу ҳақда ўйламоқ, бош қотирмоқ ва участка нозирининг ҳамиша эл орасида бўлмоғини таъминлашни вазият тақозо этмоқда. Боз устига оддийгина алоқа воситаси ва уловига эга бўлмаган нозирлар ҳали анчагина. Унутмаслик лозимки, жиноят оламидан ҳар томонлама устун турган милициягина эл осойишталигини таъминлашга қодир. Кузатилаётган қонунбузарлик ҳолатларининг 70-80 фоизи маҳалла-куйда содир бўлаяпти. Милициянинг иш шароити ҳақида гап кетганда буни албатта эътиборга олмоқ керак.

Ҳозирча Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани участка нозирларининг хизмат шароити ҳам бошқаларникидан фарқ қилмайди. Аммо иш натижалари ҳар хил. Ўтган йили туманда бир йўла уч нафар нозир касбдошлар баҳсининг ғолиби бўлди.

Ўтган йили Амударёда 10 фоизга камайди. Рақамларнинг бу тахлит кичрайиши ҳақиқатан ҳам яхши кўрсаткич.

Дарвоқе, милиция билим ва маҳорат, ҳалоллик, жонкуярлик сингари талабларни касби мазмунига айлантирганларни тан олади, ўз сафидан жой беради. Бу мўътабар даргоҳга ғараз ниятда келувчилар ҳам топилади. Очкўзлик, баднафслик, зўравонлик, босар-тусарини билмаслик каби шайтоний ҳирс ва иллатлар домига тушган бундай бандалар узоққа боришолмайди, наинки касби-кори, ҳатто ўзларини ҳам хор этишади, эл-юрт назаридан қолишади. Бундай ярамас иллат ўтган йили Амударёда ҳам учради. Бироқ милициядагилар ор-номусни устун билишди. Сафларига суқилиб кирган баднафс кимсани ўзлари фош этишди. Ўзини-ўзи тозалаш билан сафнинг софлигини таъминлашди. Ҳозир шахсий таркибнинг 7 нафарини олий ҳуқуқшунослик маълумотига эга бўлган малакали кадрлар ташкил этади. Улар сафига яна 5 нафар янги ходим келиб қўшилди. Ҳозир улар сиртдан ўқиб, билим ва малакасини оширишяпти. Умуман сафдагиларининг тенг ярмидан зиёди махсус ва олий билим малакасига эга ходимлардир.

- Ўқувлар кадрларнинг лаёқати даражаси, аслида кимлигини билиб олишимизга ҳам яқиндан ёрдам бераяпти, - деди туман ички ишлар бўлими бошлиғининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари, милиция капитани Бахтиёр Шомуродов. - Ўтган ўқув йили якунида ўтказилган шаҳодат кўригида 18 нафар зобитнинг билим ва малакаси синаб кўрилди. Юз-хотирсиз ўтган бу имтиҳонда 1 нафар ходим наинки вазифаси, балки соҳа хизматига ҳам нолойиқ деб топилди. Айни пайтда 4 нафар зобит юқори лавозимларга, 5 ходим галдаги унвонларга тавсия этилди. 8 нафар ходим эса ўз вазифасига лойиқ, деб ҳисобланди. Сафни кадрлар билан тўлғазишнинг бу усули пировардида милициянинг ҳамма соҳалардаги иши самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Юксак интизом ва касб анъанасига содиқлик иш натижаларида ҳам кўринади. Умумий жиноятчилик йил давомида 10 фоизга камайган бўлса, қотиллик хатти-ҳаракатлари 87,5, безорилик 12,5, ўлим билан боғлиқ транспорт фалокатлари 22,2, оғир тан жароҳати етказиш ва номусга тегиш 50, гиёванд моддаларни элтиш, сақлаш, сотиш 33, ўқотар ва портловчи моддаларни ноқонуний асраш ҳоллари 100 фоиз бартараф этилди. Бироқ милициянинг эътиборини тортадиган, ҳушёрлик ва сергакликка чорлайдиган ҳолатлар ҳам оз эмас. Бозор иқтисодиёти жараёни фидойи кишиларнинг барини меҳнатга, бунёдкорликка, моддий бойликлар яратишга сафарбар этаётган бир пайтда сараканинг - саракка ажралиши кузатилиб, бекорчилар сони ортишига ҳам яхшигина шарт-шароитлар муҳайё бўлаётир. Шундай бўлгач, асосий эътибор ана шундай иллатлар кузатилаётган жойга кўпроқ қаратилмоғи, кучлар шу томонга йўналтирмоғи лозим.

Амударё - сарҳаддаги туман, Узбекистоннинг узоқ ва чекка ҳудуди. Туманнинг Туркманистон билан чегараси 105 киломатр масофага чўзилган. Бу ҳам бир чорлов, сергакликка ишора. Шукрлар бўлсинким, ҳозир қўшнимиз тинч, биз ҳам тинч. Лекин ҳарна бўлсаям, сарҳад ҳушёрликни хушлайди. Қолаверса, молингга ҳушёр бўл, қўшнингни ўғри тутма, деган нақл ҳам бекорга айтилмаган.

...Яқинда Амударёда бўлдик. Осойишталик посбонлари билан дилдан суҳбат қурдик: бари оддий, хизматга камарбаста, қишлоқликларга хос чаққон, эпчил ва чапани йигитлар. Аммо дилни хира қилувчи манзаранинг шоҳиди бўлдик. Сирасини айтганда, аянчли ҳолга келган милиция биносига рўпара келишимизни кутмагандик. Начора. Аллазамонда қурилган бир қаватли пастқам бино хоналарига бир киши кирса, иккинчиси сиғмайди. Иш ва ҳужжатларни юритиш учун хоналарнинг торлиги дард устига бир чипқон бўлса, уларнинг етишмаслиги яна бир чипқон. Милиция учун замонавий техника ва алоқа воситалари сув билан ҳаводек зарур. Бу сингари шарт-шароитларга жойларда иш кўраётган участка нозирлари айниқса, муҳтож. Умуман участка нозирлари фаолиятига алоҳида эътибор ва ғамхўрлик шу куннинг муҳим талаби. Негаки, улар ҳамиша одамлар орасида, элнинг иссиғи-ю, совуғи, аччиғи-ю, чучугини бирга татийдилар. Ҳуллас, жиноят ва унинг илдизларини қирқиш нозирлар фаолияти, саъй-ҳаракати, билими ва касб маҳоратига кўп жиҳатдан боғлиқ. Туман милициясининг иш шароити билан боғлиқ муаммо ҳам чақилмас ёнғоқ эмас. Боиси милиция учун янги бино қурилиши аллақачон бошлаб юборилган. Бироқ ишнинг бориши шу бўлса, осойишталик посбонлари ҳалибери янги бошпанага ёлчишмайди. Бунга қурилишнинг «туя гўшти егани» сабаб.

Эл-юрт осойишталигини таъминлашда ички ишлар ходимларининг ўрни ва роли бениҳоя. Зеро, кўп миллионли ўзбек элининг истиқлол туфайли эришган тарихий эрки, тинч-осойишта турмуши, яратувчилик меҳнатини осойишталик посбонларининг кундалик фидокорона курашларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Абдулла СОБИРОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Qilmish-qidirmish

ПАРВОЗ ВА ИНҚИРОЗ

1996 йилнинг бошлари А.Саидхонов Республика «Бизнес-фонд» бошқаруви раисининг ўринбосари Б.Қаюмовнинг пинжига кирди. «Қаловини топсанг, қор ёғар» деганларидек, у «Бизнес-фонд» билан қарз шартномаси тузади. Шартномада «Бизнес-фонд» «Баҳор»га 2.183.390 сўм қарзни 60 ойга, ҳар чоракда 35 фоизлик устамаси билан беришга келишади. Корхона эса бу маблағни пойафзал ишлаб чиқаришга сарфлаши лозим эди.

Дастлаб фирманинг ҳисоб рақамига 499.750 сўм ўтказилади. А.Саидхонов бу пулларга «Оригинал» хусусий корхонасидан ҳар бирининг нархи 249.375 сўм бўлган дастгоҳлардан икки дона 1000 сўмлик ускуналари билан сотиб олади. Бироқ олинган 499.750 сўмлик маҳсулот корхонага кирим қилинмайди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, А.Саидхонов томонидан қарзлар қандай қилиб ишлатилганлиги текширилади. Унда олинган пул мақсадга мувофиқ ишлатилганлиги тасдиқланади. Бундан илҳомланган раҳбар иккинчи босқичдаги 1356.900 сўмни олади.

Ҳисоб рақамига салкам бир ярим миллион сўм тушганидан бошлиқнинг кўнгли тоғдек кўтарилади. Гўёки шунча маблағ ғойибдан келгандай у «иш»га чинакамига киришди. Аввало чўнтакни қаппайтириш масаласи кўндаланг бўлди. Шунинг учун у «Қиёт» кичик корхонасидан олинган 10.000 сўмлик клейни «мурид»ларига бозорда пуллатади. Савдодан тушган пулларни корхонага кирим қилмайди.

Омади келаётган раҳбар энди янада каттароқ ишларга қўл уради. Бунинг учун Андижон вилоятидаги «Акмалхон» кичик корхонасига «оёқ кийимлари хом ашёси учун» дея 100.000 сўм ўтказади. Олинган маҳсулот миқдори ва қиймати кўрсатилмайди, расмийлаштирилмайди ҳам. Боз устига товарлар ярим йўлда ўз «эгаси»ни топади.

1996 йил апрел ойи. Олғир раҳбар банкдаги пулларни накдга айлантирмоқчи бўлади. Шу ниятда Намангандаги «Улуғбек юлдузи» ҳамда «Беҳзод» номли кичик корхоналардан 1.272.000 сўмлик маҳсулот олиб, бозорда соттиради. Аммо корхонага кирим қилишни хаёлига ҳам келтирмайди.

Бозорга берилиб чўнтаги «жарақ-жарақ» пулга тўлаётган раҳбарнинг ишлаб чиқариш билан мутлақо иши бўлмайди. Аксига олиб 499.750 сўмлик дастгоҳларни фарғоналик харидорларга бор-йўғи 380.000 сўмга пуллайди.

1996 йил май ойи «тадбиркор»нинг «ижоди» яна ҳам гуркирайди. Пул топишнинг янги қирраларини ўйлайди. Шу мақсадда 1.316.600 сўмлик ҳар хил маҳсулотларни иккита юк машинага жойлаб Россия Федерациясининг Новокузнецк шаҳрига олиб боради. Лекин «ижодкор»нинг инқирози шу ерда бошланади. Олиб борилган шарбатларнинг сифати бузилганлиги, йўл ва ижара ҳақлари ошиб кетганлиги уни ўйлантириб қўяди. Қисқаси келтирилган маҳсулотлар ўзини қопламайди.

Нафс балосига тутқун, фақат ўз манфаатини ўйлайдиган Фарида Саидхонова бу борада акасидан ўзса ўзадики, ортда қолмайди. 1995 йил 27 октябр куни у вилоят «Пахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик жамиятининг «Таъминот» бўлими билан ўзаро шартнома тузади ва «Таъминот»дан жами 1.400.000 сўмлик вексель олади. Бунинг учун буюртмачига қоғоз қоплар етказиб берилиши келишилади. Лекин бу ишлар фақат қоғозда қолиб кетади. Ф.Саидхонова эса «пулни пул топади, аҳмоқ кетмон чопади» қабилида иш тутади.

Очиғи А.Саидхонов ва Ф.Саидхоноваларнинг қилмиши катта бир асарга дастак бўлади. Чунки улар ўз фаолиятлари давомида кўплаб операциялардан муваффақиятли чиқишди. Қанчадан-қанча маблағларни халқумларидан ўтказиб юборишди. Оқибатда А.Саидхонов, «Бизнес-фонд»дан 5.87.503 солиқдан 2.350.352 сўм қарздор бўлди. Ф.Саидхонова эса барча жарималар билан давлатга 11.968.900 сўмлик зарар етказди.

Айни пайтда ҳар иккала «тадбиркорлар» ўз қилмишларига яраша жазога тортилдилар.

Бобур ДЕҲҚОНОВ,
Наманган тумани прокурори,
Баҳодир ҲАМИДОВ,
журналист

Javobtalab maktublar

«БИР ЁЗДИМ, ИККИ ЁЗДИМ, АММО...»

Алдагани бола яхши, бироқ болани ҳам бир алдайсиз, икки алдайсиз, учинчи марта эса... Ё бурдингиз кетади ёки бола бебурд бўлади. Узун тумани ҳокимияти ва Б.Омонов номли жамоа хўжалиги раҳбарияти ҳам мени яна алдамоқчи. «Инсон ва қонун» газетаси таҳририятига ёзган биринчи (15.07.1998й) хатимга туман ҳокимиятидан келган биринчи жавобдан бошим осмонга етди. Унда «Ўқитувчи Абдумалик Бобоевга пахта йиғим-терими тугаши билан уй-жой учун ер берилади» дейилганди. Мана, орадан етти ойдан кўп вақт ўтаяптики, жойдан дарак йўқ. Иккинчи (15.01.1999 й) марта ёздим. Энди мени ҳокимнинг биринчи ўринбосари Тўрахўжаев шахсан (02.02.1999 й.) қабул қилиб... Сизнинг томорқа ва уйингиздаги захни қочирамиз, агар қурита олмасак, сўнг жамоа хўжалиги раиси Тошмирзаевга юклаймиз деб яна пайсалга солди.

Ахир, биз билан шундоқ ёнма-ён яшаб келаётган қўшниларимизга уй-жой қуриш учун (14.01.1999 й.) бошқа ердан жой берилди-ку! Нега энди улардан оилавий шароитим оғир бўлишига, болаларим уйнинг захкашлигидан касалманд бўлиб, 1994 йилдан врач назоратида туришига қарамай яна бизга жой берилмаяпти. Оиламда 5 нафар фарзандим бор. Хўжалигимиз раҳбарига бир неча марта бордим. Натижа дўқ-пўписа, «ёзган жойингга ёзавер, қўрқадиган жойим йўқ» қабилидаги ўдағайлашлардан нарига ўтишмаяпти. Президентимиз ҳар бир оила, ҳар бир аёл, ҳар бир инсон манфаатларини ҳар тарафлама ҳимоя қилиш учун нимаики чора-тадбир зарур бўлса, ҳаммасини бажо келтиришга жон куйдирмоқда. Бироқ минг афсуски, баъзи жойлардаги бағритош ҳокимият ва хўжалик раҳбарлари бу масалага панжа орасидан қарашмоқда. Биз шу захкаш ерга 15 йил олдин кўчиб келган эдик. 15 йилдан бери шу азобда кун кечирмоқдамиз. Қачонгача захкаш хонадонда яшаймиз. Бизга янги уй қуриш учун томорқа олишимизга ёрдам беринг, азизлар!

Абдумалик БОБОЕВ,
Сурхондарё вилояти Узун туманидаги 13-ўрта мактаб ўқитувчиси

ТАҲРИРИЯТДАН:

Муҳтарам А.Бобоев! Шикоят хатингизда келтирган барча далилу дардларингизни оққа кўчирмадик. Сабаби туман ҳокимлигидаги ва хўжаликдаги мутасадди кишиларнинг ади-бадисига чалғиб, мактабдан-ишдан совиб кетманг деган андишага бордик-да. Баски, туманда сизни тинглашни ва ёрдам беришни исташмаса, вилоят ҳокимлиги «дардингизга даво топади» ва таҳририятимизга бир энлик жавоб ёзади, деб умид қиламиз.

Yangi qonunlar

«ДЕВОР» РАҲБАРГА— 7 ЙИЛ!

Давлат думаси томонидан мамлакат Жиноят Кодексига қўшимча киритилди. Унга кўра ўз меҳнат жамоасига маош, иш ҳақи тўловлари, нафақаларни икки ойдан ошиқ вақт мобайнида узрсиз сабаб билан тўламаган, бошқа ғараз мақсадларни кўзлаб иш тутган раҳбарларга нисбатан жиноий жавобгарлик кўзда тутилган. Бунда оддий ҳолларда 100 дан 200 баробаргача энг кам иш ҳақи миқдорида жарима ёхуд 2 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси, агар оғир оқибатларга олиб келган ҳолатларга сабаб бўлса, 700 баробар энг кам иш ҳақи миқдорида жарима ёхуд 7 йилгача қамоқ жазоси кўзда тутилган. Ҳа, Россияда раҳбар бўлиш энди осон эмас, айниқса лоқайд, ғаразгўй, «девор» раҳбар бўлиш...

Оммавий ахборот воситалари хабарларидан олинди

1999 yil - Ayollar yili

СИРДАРЁДА БИР ОНАХОН ЯШАЙДИ

«Қариси бор уйнинг париси бор» дейишади. Негаки, кексаларнинг кўрган-кечирганлари туганмас хазина. Ўгитлари олтинга тенг.

Қарияларга боқиб, ҳаёт ҳақида ўйга чўмасан, киши. Инсоннинг умри, ҳаёт йўли шундай экан - туғилади, улғаяди, оила қуради, меҳнат қилади, ўзидан ўчмас излар - фарзандлар қолдиради. Яхши ва ёмон кунларни бошидан кечирар экан, яхши кунларга шукрона айтади, ёмон кунларда сабрли бўлади. Ана шулар билан инсон умри мазмунли бўлади.

Юртимизда ҳаёт ташвишларини мардона енгиб, юз билан юзлашиб яшаётганлар кўпчилик. Уларнинг ҳар бири юқорида тилга олганимиздек, бир уйнинг париси. Улар яшаётган даргоҳлар зиёрат қилишга арзигулик.

Биз яқинда Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманида истиқомат қилаётган онахон, 103 ёшли Фотима аянинг ҳузурларида бўлдик. «Мункайиб қолган қари онахонни чарчатиб қўймаслик учун қандай қилиб қисқа суҳбатлашсам бўларкин» деган фикр хаёлимдан ўтди. Аммо ҳовли саҳнида бизни ҳаракатлари қушдай енгил, жуссаси ихчамгина табаррук ёшли онахон кутиб олганларида истиҳолам туман мисоли тарқаб кетди.

Фотима ая анча хушчақчақ эканлар, невaралари билан ҳазил-ҳузул ҳам қилиб қўйдилар. Хотиралари ҳам анча теран эди.

- Ёшлик ҳам бир давр, бир зумда ўтди, кетди болам, - дедилар, - лекин шу даврда ўзинг учун зарур улкан ишларни қила олишинг керак. Булардан энг муҳими, одамлар кўнглини олиш, меҳрини қозониш. Онам бир вақтлар «Мен ҳам эдим сендек, сен ҳам бўласан мендек» деган нақлни ҳазил аралаш кўп такрорлар эдилар. Шундай пайтларда мен кулардим ва «Бу ҳаёт қонуни-ку, она, бир кун келиб мен ҳам бу сўзларни болаларимга айтаман-да...» дердим. Фаришталар «омин» деган экан, ўша гапни тез-тез болаларимга айтиб тураман. Лекин болам, шу гапда ҳикмат кўп экан.

Фотима ая етти ўғил ўстириб, етти келинга қайнона бўлган аёл. Турмуш ўртоғи Жўрабой ота билан тотувликда ҳаёт кечирди. Ҳозирда етти ўғил, етти келин Фотима аяни «ҳам ота, ҳам она» деб ардоқлаб туришибди. Ая эса «борларингга шукур»ни кўп такрорлайдилар. Шукроналик туйғуси билан ўзларини бахтли, бардам сезадилар.

- Ая, нега келинингиз Валентина билан бирга туришни афзал кўрасиз? - ҳазиллашиб савол ташлаймиз.

- Келинларимнинг ҳаммасиям бир-биридан яхши, болам! Валентина кенжатойимнинг севиб олган хотини, йигирма йиллик ёстиқдоши, боламнинг суйгани менга ҳам суюкли кўринади. Келинимнинг бошқа миллатдан эканлиги ҳечам сезилмайди. Мана, кўриб турибсиз, бошида рўмол, эгнида ўзбекча либослар. Сигир соғади, хамир қоради, мол-ҳолга қарайди. Невараларим Шуҳратжон ва Шавкатжонларни катта қилди. Атрофимда парвона бўлса, нега ёмон кўрай?

Дарвоқе, онахоннинг кенжа ўғли Ўткир Каримов ҳақида икки оғиз сўз юритиш жоиз. У Сирдарё туман ички ишлар бўлимининг паспорт столи бўлимида катта нозир бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзидаги инсоний фазилатлар - хушмуомалалик, ишга масъулият билан ёндошиш, тартиб-интизомга қатъий риоя этиши туфайли касбдошлари ва эл орасида яхшигина обрў-эътиборга эга. Айни пайтда милиция капитани.

Айтишларича, ўз турмушини яшнатолмаган одамнинг ўзгаларга ҳам нафи тегмас эмиш. Бир юз уч ёшли Фотима ая эса ўз турмушини яшната олган ва бу яшнаган чамандан ўзгаларни ҳам баҳраманд эта олган аёл. Зеро, унинг тўғрисида қуда-андаларидан, қариндош уруғу қўни-қўшниларидан фақат илиқ гаплар эшитиш мумкин.

Биз табаррук ёшли онахоннинг дуога очилган қўлларига ҳавас билан қарай-қарай хайрлашдик.

Салима ҚИЛИЧЕВА,
Нурмамат АЛМУРОДОВ (фото),
«Инсон ва қонун» мухбирлари

СУРАТДА: 103 ёшли Фотима ая фарзандлари даврасида

Tahririyatga xat keldi

КИМ АЙБДОР?

Андижон вилоят адабиёт ва санъат музейи ходими Толибжон Бойировдан таҳририятимизга шикоят хати келди. У: «1996 йили мен ноҳақ жазоланганман, бу ноҳақликни бартараф этиб, қонун устуворлиги ва ҳақиқатни рўёбга чиқаришга ёрдам беринг», деб ёзади. Ҳужжатлар билан танишиб чиқдик. Маълум бўлишича, у шикояту гувоҳлик хатлари билан туман, шаҳар, вилоят, республикадаги кўпгина мутасадди ташкилотларига ёзган. Уч йилдан буён идорама-идора бўзчининг мокисидай қатнаган.

Ишнинг мазмуни нима денг? 1996 йил наврўз арафасида музейда сумалак пиширилади. Тадбирда жамоа жам бўлган. Т.Бойиров бошқа бир ҳамкасби билан эшик олдида гаплашиб турганида музей қоровули Шаҳобиддин Бобоев уни ҳақоратлайди ва «Сиз бу аҳмоқ одам билан гаплашманг» деб ёнидаги кишига шаъма қилади. Бундан жаҳли чиққан Толибжон: «овозингни ўчир, директорнинг ювиндихўри» дейди. Бу икки шахс ўртасида кўп вақтдан зиддият бўлган. Иккови бир-бирларини ёқасидан тортишади. Шаҳобиддин йиқилиб тушганида пешонасининг териси шилинади. У тиббий кўрикдан ўтиб, маълумотнома олади. Эксперт маълумотномасида: «Жабрланувчи пешонасининг ўнг томони енгил жароҳатланган. Ундан «нима бўлди?» деб сўраганимизда «мен ҳушимдан кетиб қолдим, билмайман» деган жавобни олдик» деб ёзилган.

Жанжал пайтида ҳозир бўлганларнинг ярми Шаҳобиддин ўзи туртиниб, йиқилиб тушди деб гувоҳлик берса, айримлари: «Т.Бойиров итариб юборди» дейишган. Қоровул Шаҳобиддин судга мурожаат қилгач, Андижон шаҳар суди бу ишни кўриб чиқиб, Т.Бойировга бир йил олти ой ахлоқ тузатиш жазосини тайинлайди ва амнистия асосида жазодан озод қилади.

Ҳамма гап шу. Шу ўринда бир мулоҳаза туғилади. Музей жамоасининг ўзи, қолаверса, раҳбар бош-қош бўлиб, бу икки одамнинг арзимас жанжалига вақтида чек қўйилса бўлмасмиди?

Ҳар бир оилада ёки жамоадаги аҳиллик, аввало бошлиққа боғлиқ. Қаерда аҳиллик бўлса, у ерда ишнинг самарадорлиги яхши бўлади. Аҳиллик йўқ жойда - тотувлик ҳам, ишнинг барори ҳам бўлмайди. Ўз жамоа аъзоларининг тилини тополмайдиган, уларнинг бошини бириктиролмайдиган, аксинча, уларни бир-бирларига қайраб турадиган раҳбар ўз лавозимига муносибми? Бу ҳақда туман, шаҳар ва вилоят раҳбарлари ҳам бир ўйлаб кўришлари керак. Халқимиз «Қаерда аҳиллик бўлса, ютуқ, омад шу ерда» деб бежиз айтмаган...

З.ДЎСТМАТОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Jinoyat va jazo

«АТАМАН» ЛАҚАБЛИ ҚОТИЛ

ва унинг разил шериклари хусусида

Халқимизда «Қарз сўраганнинг бир юзи, қарз бермаганнинг икки юзи қора» деган нақл бор. Зоҳид Худойбердиев Музробот тумани «Бешқўтон» жамоа хўжалигида ишлар эди. У болаликдан анча эрка ўсди. Мўйлови сабза ура бошлагач эса майда безориллик, таъмагирликни касб қилиб олди. Ёлғонни сувдек симирадиган феъли унга кўпинча қўл келарди. Ўзига ўхшаш такасалтанг жўралари уни «атаман» деб аташарди. Кунларнинг бирида Зоҳид таниши, ўзидан 5-6 ёш катта 25-26 ёшлардаги ангорлик Муродгелди Аннақуловдан қарз олади. Аммо орадан бир мунча вақт ўтса ҳам қарзини қайтаришни хаёлига келтирмади. Муродгелди уни кўча-кўйда кўриб бир-икки пулини қистади, бир неча бор унинг уйига борди. Пулини ололмай ҳафсаласи пир бўлган Муродгелди Зоҳидни танийдиган бошқа кишилардан қарзини олиб беришни илтимос қилди. Аммо...

Зоҳид 1995 йил 11 июн куни Муродгелдига Музробот туманига келишини, шунда олган пулини қайтариб беражагини айтиб, ўзича қарздан қутулишнинг «пухта» режасини тузди. У ўзига ҳамтовоқ бўладиган жиноий шерик излади ва ҳамқишлоқлари Тоҳир Рўзибоев ва олий ўқув юртининг талабаси Ўктам Абсаҳатовларни топиб: «Бугун Ангордан бир йигит келади: у мендан қарздор, лекин олган пулини бермай юрибди. Ёрдам беринглар, қўрқитиб қарзимни олай. Агар олсам сизларни ҳам қуруқ қўймайман» деб уларни алдади. Шу тариқа жиноий гуруҳ пайдо бўлди. Зоҳид ўша куни кечқурун соат 18 лар атрофида Тоҳир билан Ўктамга шундай топшириқ берди: «Агар Муродгелди келса, бир жойдан наша олиб келамиз, денглар. Мени сўраса, билмадим деб жавоб беринглар!» Орадан бирор соат вақт ўтиб Муродгелди келади. Ўктам уни келишилган томонга олиб боради. Шу пайт йўлда уларга Зоҳид рўпара бўлди. Салом-аликдан сўнг М.Аннақулов яна қарзини сўради. Зоҳид эса «Ҳозир болалар келиши керак, пулингни бераман» дейди. Учинчи жиноятчи шахс Тоҳир етиб келгач, улар «Искра» канали томон боришди. Атрофни қоронғулик чулғаб, машиналар қатнови сийраклашди. Улар бир тепаликка яқинлашгач, Зоҳид мақсадга кўчди.

- Иккинчи берган қарзингни мендан сўрама, тушундингми? Ҳеч кимни уйимга юбора кўрма! - деди у Муродгелдига таҳдид оҳангида.

- Олган қарзингни барибир тўлашинг керак. Менинг ҳам бировлардан қарзим бор, - деди унга жавобан Муродгелди.

Зоҳид талабига кўнмаган Муродгелдининг ёқасидан бўғиб, дўппослай бошлади. У қаршилик кўрсатганда Зоҳид «ушланглар буни» дея шерикларига буйруқ берди. Иккаласи бирданига М.Аннақуловга ташланиб, уни маҳкам ушлашди. Улар кўпчилик бўлиб уни йиқитишди. Ўктам қаердандир сим топиб, Муродгелдининг икки қўлини орқасига қайириб боғлади. Зоҳид эса унинг чўнтагидан 300 АҚШ долларини, 3 дона тилла узугини, 1 дона ўн сўмлик тилла тангасини, бир дона тилла тақинчоқни ҳамда қимматбаҳо соатини олди. Шундан сўнг иккинчи бор қарзини сўраса ёки бўлиб ўтган воқеа ҳақида бирор жойга «чурқ» этса ҳозироқ ўлдириб каналга ташлаб юборишларини айтиб, уни қўрқитмоқчи бўлишди. Аммо Муродгелди уларнинг бу талабига рози бўлмади. Шунда унинг оёқларини ҳам сим билан боғлаб, «Бешқўтон» жамоа хўжалигидаги «Искра» каналининг «Қорасув дарёси» бўйига олиб боришди.

«Берган пулингдан ҳозироқ воз кеч, акс ҳолда шу каналга ғарқ бўласан!» деган талабга рад жавобини олган З.Худойберидев қасддан ўлдириш мақсадида ва таъмагирлик жиноятларини яшириш учун ваҳшийларча М.Аннақуловнинг бўйнини қаттиқ бўғиб, бурай кетди. Оқибатда Муродгелди бўйин, тил ости суяклари синиб кетиши оқибатида воқеа жойида вафот этади. Унинг ўлганига ишонч ҳосил қилган одам қиёфасидаги бўрилар ўз жиноятларини яшириш ниятида мурдани каналга ташлаб юборишади ва ўша жойнинг ўзидаёқ пул, тилла тақинчоқларни ўзаро бўлиб олишади. Темир занжирбоғли электрон қўл соатини эса сувга отиб юборишади...

Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг тезкор қидируви натижасида жиноятчилар қўлга олинди. Тергов жараёнида қотиллар қилган қилмишларига пушаймон эканликларини тан олишди. Лекин энди жуда кеч эди...

Чори ЖУМАҚУЛОВ,
журналист



ОБОД ЎЙДА ЯШАЙДИ ПОК ОДАМЛАР

(қўшиқ)

Булбуллари хушхон буюк маъвосан,
Юракларда ардоқланган навосан.
Шуҳратингдан тоғдай баланд кўнглимиз,
Ўзбекистон бағри бўстон уйимиз -

Оғушингда шодон ўтар ҳар дамлар,
Обод уйда яшайди пок одамлар.

Ҳизр нигоҳида одил сарбони,
Олға одимлаган катта карвони.
Оллоҳ юксалтирган буюк имони.
Эли бор бу уйнинг бутундир нони.

Бунда бахтли кексаю-ёш, санамлар,
Обод уйда яшайди пок одамлар.

Гулгун жамолингга отилмасин тош,
Дўстларинг кўзида қалқимасин ёш.
Озод Шарқ кўксида порлаган қуёш,
Таърифи бебаҳо достон уйимиз.

Бу юртда бўлмагай ғамнок одамлар,
Обод уйда яшайди пок одамлар.

Улар биздан эмас, кўнгли қаролар,
Бепадар, мунофиқ, қалби яролар.
Хор бўлсин хоинлар, дили поралар,
Сен доим яшнагин, бўстон уйимиз.

Бирлашайлик, нияти нек одамлар,
Обод уйда яшайди пок одамлар.

Озод ҳур Ватанни қутлайди башар,
Чунки унда имон, диёнат яшар.
Мадҳингни куйласам илҳомим жўшар,
Юракдан эзгулик, шодликлар тошар.

Ватанни олқишлаб ёзсин қаламлар
Обод уйда яшайди пок одамлар.

Садоқат ФАЙЗИЕВА

Oila - hayot guli

АЁЛ ҚАДРИ

Маънавий баркамол аёлгина жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топиши, шубҳасиздир. Аёл хоҳ оилада бўлсин, хоҳ иш жойида бўлсин, ўзининг ибоси, ҳаёси, латофати, ҳаётга чуқур қарашлари, соғлом фикри ва мулоҳазалари билан гўзалдир.

Аёл - бу бизнинг меҳрибон онамиз, опамиз-синглимиз ва қизимиздир.

Аёл - бу оилада она. Шакардан ширин фарзандларини тарбиялаб, оқ ювиб, оқ тараб, маънавий баркамол ўғил-қизларни жамиятга етказиб берувчи фидойидир.

Ҳурматли юртбошимиз И.Каримов таъкидлаганидек, **«Ҳар бир инсонга ҳаёт ато қилувчи, ҳар бир инсон кўнглини мунаввар этувчи, наинки оилада, балки бутун жамиятда ҳам аҳиллик, тотувлик, меҳр-оқибат бағишловчи ҳам аёл зотидир. Аёл - табиатнинг энг буюк мўъжизаси. Бу мўъжиза олдида таъзим бажо этиш ва бу улуғ мўъжизани яратган Оллоҳ таолога чексиз ҳамду санолар айтиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир»**

Аёл - она, она эса аҳли аёлнинг покизалиги, оқилалиги, меҳри-мурувватн, садоқати, вафодорлиги, гўзаллиги ва ширинсўзлигини таъминловчи буюк зотдир.

Хўш, биз муқаддас билган Аёл ҳамиша ўзининг буюк шаънини, қадрини сақлай, оқлай оладими? Бир қарашда «ҳа» деб жавоб берамиз. Аслида ҳам шундай бўлиши табиийдек. Лекин кузатувлар, таҳлиллар шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда оиладаги никоҳни бекор қилиш ҳолатларига баъзан аёллар сабабчи бўлмоқда экан. Оиладаги ноаҳиллик, зиддиятлар, келишмовчиликларга барҳам бериш, фаровон турмуш тарзини яратиш эр-хотиннинг баробар бурчи бўлса-да, эр ўз оиласини маънавий-моддий жиҳат масъулиятини олса, хотин ўз зиммасидаги меҳр-мурувват, садоқат ва вафодорликка содиқлигини унутмаслиги керак. Баъзида ҳар икки ҳолатда ҳам эр-хотин ўз масъулиятларини унутиб қўядилар.

Яна бир ачинарли томони шундаки, баъзи аёлларимиз томонидан жиноят содир этиш ҳолатларининг учраб туриши, билиб-билмай жиноят йўлига адашиб кириб, у йўлдан чиқа олмай қолган аёлларимиз ўз қисматларига қандай қараркин? Худди шундай аёлларнинг бошидан маънавий баркамоллиги етук бўлганда эди, бу қалтис йўлга қадам қўймаган бўлардилар.

Баъзан ўзлари тарбияга муҳтож бўлган бундай аёлларимиз фарзандлари «қуш уясида кўрганини қилади» қабилида билиб-билмай жиноят содир қилишларининг асосий сабабларидан бири ичкиликка, гиёвандликка ёки бошқа салбий унсурларга мойиллигидир. Оилада фарзандларнинг қандай инсон бўлиб етиши яна кўпроқ онага боғлиқ.

Табиат аёлни мукаммал ва мўъжизакор қилиб яратган. Шундай экан, аёл ўзининг нозиккўна жуссаси-ю, гулдай кўнглига дунёни тебратиш, халқнинг ажойиб фарзандларини яратиб, Ватанга садоқатли инсонлар қилиб тарбиялашдек масъулиятли вазифани ҳаётининг маъносига айлантирган назокат ва муҳаббат тимсоли бўлиб қолишни унутмаслиги лозим.

Матлуба АБДУРАҲМОНОВА,
Адлия вазирлиги бошқармаси катта маслаҳатчиси

ВАТАНГА ХИЁНАТНИНГ БАҲОСИ

Yuzma-yuz

Халилилло АҲМАДЖОНОВ, 1979 йил Андижон шаҳрида туғилган, маълумоти 7-синф, уйланмаган, ҳеч қаерда ишламайди:

- Мен ўз айбимни ёшлик қилиб, яъни 14 ёшимданоқ ислом динига қизиққаним туфайли Козим ака, Зафар ака, Шуҳрат ва бошқаларга қўшилиб, уларнинг асл мақсадларини бошидан билмаган ҳолда, Зафар аканинг гапига ишониб, Тожикистон Республикасига бориб, у ердаги Тавилдара қўрғонига махсус мушоҳидларни тайёрлаш базасида ўқиганимда деб биламан. Чунки Тавилдарадаги ўқув базасида Ўзбекистон ва бошқа Ўрта Осиё республикаларида ислом давлати қуриш учун кураш олиб борадиган мужоҳидлар тайёрланар экан. Мен у ерга боргунимча буни билмаганман ва ўқишга мажбур бўлганман. Аммо касаллигим туфайли тезроқ қайтиб келишга ҳаракат қилганман ва она шаҳримга қайтиб келганман.

Мен 1994 йилнинг охирларида Андижондаги жомъе масжидига доимий қатнай бошладим. 1995 йил баҳор ойларида Зафар аканинг (Маҳмудов Зафар, иккинчи исми Муҳиддин, ашаддий «ваҳобий» диний экстремистик оқимнинг раҳнамоларидан бири) тавсияси билан қўл жанги каратэ машғулотларига қатнай бошладим. Уни Зафар аканинг ўзи ўтказар эди. Унда мен каби кўпгина йигитлар қатнашар эди.

Кейинчалик Зафар ака мени Козим ака (Зокиров Козим - «ваҳобий» диний экстремистик оқимнинг раҳнамоларидан яна бири) билан таништириб, ўзининг шогирди ва ишончли йигити эканлигимни айтди. Шунда Козим ака менга мурожаат қилиб, доимо унинг олдида юришимни, керак бўлган вақтда айтган ишини бажаришимни, бирор жойга ишга кирмаслигимни, пулни ўзи тўлаб туришини айтди. Гапнинг қисқаси мен Козим аканинг «телохранители» бўлиб қолдим.

1997 йилнинг май ойи ўрталарида Зафар ака менга ўқиб келиш учун ислом давлатига олиб боришни таклиф қилди. Мен рози бўлдим ва уйимдагиларга Ислом динидан ўқишга кетаяпман, деб айтдим. Кетишдан олдин Зафар ака менга 10.000 сўм пул берди. Майнинг ўрталарида мен, Зафар ака, Жамолиддин Турғунов учаламиз поездда Конибодом шаҳрида тушиб қолдик ва ундан Душанбе шаҳрига етиб бордик. Кетишда мен ўз исмимни Билол деб, Зафар ака исмини Муҳиддин, Жамолиддин эса Шавкат деб ўзгартирди. Душанбе шаҳрида бизни йигитлар кутиб олишди.

Бир кеча уларнинг уйида меҳмон бўлдик. Эртасига олтитамизни Фарҳод исмли йигит Жума Намангонийнинг олдига, Хоит қишлоғига машинада олиб кетди. Зафар ака эса яна Андижондан келиши керак бўлган йигитларни кутиб, Душанбеда қолди.

Бизни қўмондон Жума Намангонийнинг ўзи кутиб олди, меҳмон қилди. У бизга бу ердаги тартиб ва қонун тўғрисида тушунтириб, ҳеч кимни ўз исми билан чақирмаслик, ўз исмимизни ва қаердан келганимизни айтмаслик ва бошқалардан ҳам сўрамаслик, бу ерда кўрган ва билган нарсаларимизни ҳеч кимга ошкор этмасликни тайинлади.

Тахминан беш-олти кундан кейин Деванасув қишлоғига келдик. Бу ерда бир ойча бўлдик ва июн ойи охирларида Тавилдарага кетдик.

Бу ердаги ҳарбий ўқув базасида Шер исмли киши ҳарбий тактикадан, Шайх исмли чет эллик киши ислом динидан ва «зенитний установка»лардан дарс берарди. Холид арабистонлик бўлиб, у автоматдан тортиб, тўпларгача бўлган қуроллардан дарс берарди.

Тавилдарада ўттизта йигит бўлиб, уч гуруҳга бўлиниб, машқ қилдик. Бизларга ҳарбий кийим ва ҳар биримизга биттадан автомат беришган эди. Ўқиш давомида ҳарбий базага Тожикистон мухолифати бошлиқлари ва қўмондонларидан Мирза Жага, Ҳожиакбар, Тўражонзода ва Жума Намангоний келиб турар эди.

Бу ўқишдан мақсад Тожикистон Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон Республикаларида келажакда ислом давлатини ўрнатиш эканлигини, шу мақсадда мужоҳидлар тайёрланаётганлигини, ҳарбий соҳадан таълим берилаётганини тушундим. Мени ўз Ватаним Ўзбекистон Республикасига қарши курашиш нияти йўқ эди, аммо у ерга борганимдан сўнг кеч бўлганлигини англадим. Аммо энди кеч эди, қайтишга йўл йўқ эди. Мен ўқишдан бош тортганимда мени отиб ташлашлари мумкин эди. Охири касал бўлиб қолиб, қайтиб келдим.

Судланувчи Давронбек КАРИМОВ баёнотидан:

- Мен ҳам 1997 йил май ойида Хоразмдан Ўктам Қўчқоров исмли танишим билан Тожикистон Республикасининг Регар туманига пул ишлаб келаман деб бориб, айрим одамларнинг алдовига учиб, Гарм туманига Жума Намангоний ҳузурига бориб қолдим. У бизни ҳар ойига 100 АҚШ долларидан пул тўлайман деб, Девонасув қишлоғига уй қургани жўнатди. Кейинчалик билсам бу уй казарма бўлиши керак экан.

Хоит қишлоғига келганимизда Жума бизларга исмларимизни ўзгартириш кераклигини айтди. Мен исмимни Абдураҳмон деб, Ўктам эса Абдумалик деб ўзгартирдик.

Бу ерда бир ойча бўлганимиздан кейин ҳаммамизни Жума Тавилдарада ўқишингиз керак, деб жўнатди. У ерда икки ҳафта ўқиганимдан кейин бу ўқиш ҳарбий мужоҳидлар тайёрлаш базаси эканлигини билдим. Аммо қайтиб кетишга кеч бўлган эди. Ўқишдан бош тортсам, отиб ташлашлари мумкин эди. Қочишнинг илож и ни қилолмадик. Уйга кетишга ижозат сўрасак, рухсат беришмади...

Бу ёшларнинг қилмишлари оддийгина адашганлар фожиасимикин?! Йўқ. Бу Ватанга хиёнатдан бошқа нарса эмас. Улар бунга яраша жазоларини олдилар. Суднинг ҳукмига кўра Халилилло Аҳмаджонов Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 59-моддасига мувофиқ узил-кесил ўташ учун ўн йил муддатга, Давron Каримов эса ўн икки йил муддатга озодликдан маҳрум этилдилар.

Абдумажид ЁРМАТОВ,
Андижон вилоят судининг судьяси,
Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Qoyil!

ТЎРТ ОЁҚЛИ ИЗҚУВАРЛАР

1998 йил 30 декабр куни Фарғона шаҳридаги Высоковолтная кўчасидан номаълум шахснинг жасади топилди. Воқеа жойига тергов гуруҳи аъзолари ҳамда вилоят ИИБдан кенолог Д.Бойбобоевнинг Лира лақабли хизмат ити ҳам олиб келинди. Жиноятга қўл урганлар ҳам анойилардан эмас экан. Улар изларини йўқотиш учун жасад ён атрофига ўта заҳарли кимёвий моддани сепиб кетишган. Шундай бўлишига қарамай Лира қотилларнинг изини олиб, уларни яширинган жойларидан топади.

Итларнинг сезги органлари инсонларникига нисбатан бир неча баробар ортиқ ривожланганлиги боис ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларига уларнинг ёрдами катта бўлмоқда. 1995 йили вилоят ИИБда хизмат итларини сақлаш жойи ташкил этилган. Бундан ташқари вилоятимиздаги туман ва шаҳар ИИБларда ҳам хизмат итлари бор. Уларга махсус кенологлар қарашади.

1998 йили вилоятимиз ҳудудида содир этилган жиноятларнинг 203 таси хизмат итларининг ёрдамида очилди. Шулардан 5 таси қотиллик, 93 таси шахсий мулк ўғирлиги, 94 таси гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлардир.

СУРАТДА: Милиция лейтенанти Ҳ.Абдуллаев изқувар «Линда» лақабли ити билан.
А.БАХТИЁРОВ сурати

Вилоятдаги хизмат итлари жиноятнинг барча турларини очишга яқиндан ёрдам бермоқда. Бу ишларни амалга оширишда кенологлар милиция кичик лейтенанти М.Мирзаев, оддий милиционер У.Каримов, милиция кичик сержанти А.Ҳакимов, милиция кичик сержанти М.Курилковаларнинг хизматлари катта. 1997 йили Хива шаҳрида бўлиб ўтган республика миқёсидаги хизмат итларининг беллашувида кенолог А.Ҳакимовнинг Корда лақабли ити 2-ўринни олиб қайтган. Коба, Мартин, Жесси, Босс, Линда лақабли итлар ҳам жиноятларни очишда сезгирлиги билан ажралиб туради.

Қора оғу билан шуғулланувчи кимсалар кўпинча унинг оқибатини ўйлашмайди. Ўтган йилнинг март ойида Қиргули тумани ИИБ ходимлари тозалаш тадбирида хизмат итлари ҳам жалб қилинади. Колхозчи кўчасидан ўтиб кетаётган З.Халилов гумонланиб тўхтатилганида, Мартин лақабли ит унинг чўнтагига ташланади. Шундан кейин хизмат текшируви ўтказилгач, унинг чўнтагидан 6,5 грамм марихуана топилади. Фарғона кўчаси 37 уй, 53-хонадонда яшовчи М.Шокированинг уйидаги яшириб қўйилган 6 грамм опий ҳам Мартин ёрдамида топилган.

Фарғона вилоятидаги жиноятларнинг очилишида ўз ҳиссаларини қўшаётган хизмат итлари, айни кунларда чегара масканларида ҳам туришибди. Улар гиёҳванд моддаларни, қурол-аслаҳаларни аниқлашда ёрдам беришмоқда. 1999 йилнинг илк ойида улар ёрдамида 13 та жиноят очилди.

Ё.ҚОСИМОВА,
Фарғона вилояти

Эшитдингларми, болагинам ўқишни битириб қайтаётганмиш...

Aks-sado

«ҒУНАЖИН КЎЗИНИ СУЗМАСА...»

(«Мен оқпадар бўлдимми?» 1999 йил 16 март)

Қизилтоғлик укажон! Сен ҳеч ҳам хафа бўлма! Ҳаёт йўли шунчалик нотекислик, бу йўлдан одимлаб бориш инсондан ақл-заковат билан бирга сабр-тоқатни ҳам талаб қилади. Отанг ноинсоф, хотининг калтафаҳм инсонлар экан. Отанг отанг экан-ку, ҳатто аканг ҳам сенинг хотинигга «кўз олайтирши» шариатда ўта қаттиқ гуноҳ ҳисобланади.

Сенда ҳам айб бор, ўғлим. Воқеани биринчи бор кўрганингда, бу воқеани онангга ётиғи билан тушунтиришинг керак эди. Ана шунда воқеа бу даражада ривожланмай, олди олинган, отанг ҳам, хотининг ҳам қилган гуноҳларини тушуниб, бу ишни вақтида тўхтатишган бўларди. Воқеани такрор кузатиб қолсанг, бундай хиёнаткор хотинингнинг жавобини беришинг керак эди.

Халқимизда бир мақол бор: «Ғунажин кўзини сузмаса, буқа ипини узмайди». Хотинингда «бир гап» борки, отанг унга яқинлашган. Шунинг учун ҳар қандай шароитда ҳам отага қўл кўтариш фарзанд учун кечириб бўлмас гуноҳ ҳисобланади.

Тўғри, сени ғуруринг уйдан чиқиб кетишга мажбур қилган. Одамлар нима учун сени отангни урганингни билмай, сени оқпадар болага чиқариши мумкин. Агар отангнинг гуноҳини ошкор қилсанг, маҳалла отангнигина эмас, оилаларингни яшаши муаммо туғдириши мумкин.

Билмайин босилган тикон азобини бутун бир оила тортишига тўғри келади. Отанг қилган гуноҳ хотининг айби билан бўлган. Иффатли аёл бўлганида, сенга вафодор хотин бўлганида бу ишга йўл қўймасди.

Ўғлим, уйингга бориб, отангдан кечирим сўраб, хотинингни талоқ қил. У энди сенга бир умрга номаҳрам. Чунки унинг отанг билан қилган ишини бошқалар билан қилмайди, деб ким кафолат бера олади. «Ўрганган кўнгил, ўртанса қўймас», деган халқ нақли бекорга айтилмаган.

Пардабой ЭРГАШЕВ,
пенсионер

Dahshat!

КЕМ ЕРОВОЛИК ИРУВЧИЛАР

1995-96 йиллар мобайнида Россиянинг Кемерово шаҳрининг турли жойларида «кемириб» ташланган болалар суяклари топила бошлаган. Ҳатто Аба дарёсидан бирваракайига 6-13 ёшлар атрофидаги 4 та ўғил ва 1 та қизчанинг «ғажилган» эт-суякларини «йиғиб» олишган. Эшитган-кўрганларнинг даҳшатини тасаввур этиб кўринг-а! Болалари йўқолиб-изғиб юрганлар сони ҳам кўпайиб бораверган.

Мудҳиш жиноят тасодиф туфайли очилган. Қиш қаттиқ келиб, сув-ахлат трубалари музлаб, тиқилиб қолган. Уйлардан бирида труба тозаловчилар ёрилган трубани алмаштирмоқчи бўлишганда, унинг ичидан қонга беланган болалар кийимлари, тана бўлаклари чиқиб қолган. Шу йўлакдаги уйларни текширишганда улардан бирида нақ қассобхонани эслатадиган ҳолатга дуч келишган: ваннада гўдак қизчанинг майдаланган гўштлари тахланиб ётар, музхонада бола гўштлари, айвонда қуритилаётган одам эти... Бурчакда титраб ўтирган чалажон қизча.

Яқинда бу жиноят «бўй-басти» билан фош этилган. Людмила исмли аёл кўчага оғир сумка кўтариб «махсус» чиқаркан. Ёш болалар-қизларга «дуч» келиб, улардан сумкани уйга олиб чиқишга ёрдам беришларини сўраркан. Болалар бу йўлакдан қайтиб чиқмас экан. Ичкарида аёл - «экспедитор»нинг барзангидай ўғли баҳайбат ити билан гўдакларни кутиб олар ва баланд қўйилган музика садоси остида ичкарида уларни чавақлар экан. Ҳатто... болаларни бир-бирини ўлдиришга, гўштини майдалашга мажбур этаркан. Қиз болаларни аввал албатта номусига тегиб, сўнг... Ваҳший она-бола бу ишларни 12 яшар қизчалари кўзи олдида содир этишар, бу қизгина эса моҳир «котлетчи-ошпаз»га айланган экан.

Ҳозир кемероволик одамхўр - «кемирувчи»лар иши ниҳоясига етай деб қолибди. Энг ёмони, уларга тегишли идорага экспертлар «ер одами, оддий одам» деб хулоса беришибди. Наҳотки..?

Оммавий ахборот воситалари хабарларидан тўпланди

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент Давлат юридик институти профессор-ўқитувчиларини лавозимларга тайинлаш учун қуйидаги кафедралар бўйича

танлов ўтказади:

1. **Ўзбекистон тарихи;**
2. **Иқтисодиёт назарияси.**

Аризалар бериш муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Манзилимиз: 700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, 24-хона.

KELGUSI SONDA:

ОҒЗИ ҚОН БЎРИЛАР

ёхуд бир мудҳиш қотиллик

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир
Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Сафар НАЗАРОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Бурхон БЕКМИРЗАЕВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Неъмат АМИНОВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ
(масъул котиб)
Зайниддин ИСЛОМОВ
Ҳамза ЗОКИРОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-0310 . Тиражи-10.000. **Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00**

Навбатчи:
О.ХУДОЙБЕРДИЕВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи:
Н. МИНГБОЕВ
терувчи:
М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ:700047 Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5. Телефон, факс: 133-24-41
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.